

63.3

Р20



ТУРГУН ФАЙЗИЕВ  
ТЕМУРИЙ  
МАЛИКАЛАР

ТУРГУН ФАЙЗИЕВ

# ТЕМУРИЙ МАЛИКАЛАР

172

САРОЙ МУЛК ХОНИМ  
ГАВҲАР ШОД БЕГИМ  
ШОДМУЛК ХОТУН  
ХАДИЧА БЕГИМ  
ХОНЗОДА БЕГИМ  
ГУЛБАДАН БЕГИМ  
НУРЖАҲОН БЕГИМ  
АРЖУМАНД БОНУ  
ЖАҲОН ОРО БЕГИМ  
ЗЕБУННИСО БЕГИМ

ТОШКЕНТ  
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ  
ХАЛҚ МЕРОСИ НАШРИЕТИ

63.3(2У)

Ф 20

Файзиев Тургун, Темурий маликалар.

Рисола. Т., А. Қодирый номидаги халқ мероси нашриёти, 1994,  
40 б.

Темур ва темурий шаҳзодалар XIV асрнинг иккинчи ярмидан XVI асрнинг биринчи чорагигача Ўрта Осиё, Шимолий Афғонистон, қисман Эрон ҳамда Ирок мамлакатларида ҳукмронлик қилганлар. Шаҳзодалар сингари темурийлар сулоласига мансуб маликалар орасида ҳам истеъдодли сиёсатдон, сухандон, етук олима ва хассос шоиралар етишиб чиққан. Улар тарих зарварақларида ўзларидан ўчмас из қолдирганлар.

Мазкур рисолада Сарой Мулк хоним, Гавҳар Шод бегим, Шодмулк Хотун, Аржуманд бону, Зебуннисо бегим сингари истеъдодли темурий маликалар ҳақида қизиқарли маълумотлар урин олган.

«Темурий маликалар» китобчаси Сизда катта таассурот қолдиради, деган умиддамиз.

Файзиев Тургун. Тимуридские принцессы.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгаши нашрга тавсия қилган.

Муҳаррир: Бахтиёр ОМОН

Ф 0503000000—61 101—94

M361(04)—94 SLIK

ISBN 5—86484—120—X

© Абдулла Қодирый номидаги халқ мероси  
нашриёти, 1994 йил.

78738

## МУҚАДДИМА

Яшил майсадан ўзга ҳеч ким қабримни ёпмасин, токи ғариблар қабрини ёпмоқ учун шу гиёҳнинг ўзи кифоядир.

### ЗЕБУННИСО

Кўҳна мозийдан хабар берувчи тарих зарварақларини варақлар эканмиз, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан бир қаторда буюк жасорат соҳибаларининг номлари ҳам тараққий этиб келингани гувоҳи бўламиз.

Аёллар орасидан шавкатли ҳукмдорлар, оқила маслаҳатгўйлар, етук донишмандлар, забардаст олималар, суҳандон шoirалар ва зукко санъатшунослар етишиб чыққан. Чунинчи, массагетлар ҳукмдори Тумарис, қадимий Пальмиранинг ҳукмрони Зиновия, испан қироличаси Изабелла, арман маликаси Тамаралар ўз даврининг етук сиёсатдон ҳукмдорлари бўлганлар. Гарчи бундай ҳукмдор, олима, шоира ва донишманд аёллар Фарбда бармоқ билан саналса-да, Шарқ мамлакатларида уларни кўплаб учратиш мумкин. Биргина Темур ва теурийлар сулоласига мансуб хотин-қизлардан айримларини санаб ўтайлик: буюк соҳибқирон Амир Теурурнинг (1336—1405) рафиқаси — Сарой Мулк хоним (1341—1408, Бибихоним), Ҳиротда Шоҳруҳ Мирзонинг (1377—1447) рафиқаси — Гавҳар Шод бегим (1379—1457), Халил Султон Мирзонинг (1384—1411) суюкли хотини — Шод Мулк Хотун (1387—1411), Султон Ҳусайн Бойқаронинг (1438—1506) хогини — Хадича бегим (1451—1511), Умар Шайх Мирзонинг (1456—1404) тўнғич қизи — Хонзода бегим (1477—1544), Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳнинг (1483—1530) қизи — Гулбадан бегим (1523—1603), Бадахшон ҳукмдори Сулаймон Мирзонинг хотини — Ҳарам Бегим (1514—1589), Жаҳонгир Шоҳнинг (1569—1627) суюкли хотини — Нуржаҳон бегим (Меҳринисо, 1577—1645), Шоҳ Жаҳоннинг (1592—1666) севикли хотини — Мумтоз Маҳал (Аржуманд бону, 1594—1631), Шоҳ Жаҳоннинг қизи — Жаҳон Оро бегим (1614—1681), Аврангзеб Оламгирнинг (1618—1707) қизи — Зебуннисо бегимлар (1639—1702) ана шулар жумласидандир.

Бу маликалар ҳақида кўпгина кўлёмза ва тошбосма асарларда қизиқарли маълумотлар мавжуд. Масалан, Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»си, Шарафуддин Али Яздийнинг (1454—вафоти) «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг (1389—1450) «Ажойиб улмақдур фи ахбори Таймуру» (Теурур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари), Ҳофиз Абрунинг (1430 вафоти) «Зубдат ут-тавоурихи Бойсунгурий», Қамолиддин Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413—1482) «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки сао-

датли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қушилиш жойи»), Фасиҳ Хавофийнинг (1375 йилда туғилган) «Мужмал-и Фасиҳий (Фасиҳийнинг тарихлар мажмуаси), Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг (1433—1530) «Бобурнома», Ғиёсиддин Муҳаммад Хондамирнинг (1475—1535) «Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар» («Инсон хабарларида дўстларнинг таржимаи ҳоли»), Гулбадан бегимнинг (1523—1603) «Ҳумоюннома», Абулфазл Алломийнинг (1551—1602) «Акбарнома», Бобурийлар салтанатининг тўртинчи ҳукмдори Жаҳонгиршоҳнинг (1569—1627) «Жаҳонгирнома» («Жаҳонгир тузуклари»), Мирзо Алоуддин Алоул Мулк ат-Тавжийнинг «Шоҳжаҳоннома», Ҳақимхон туранинг «Мунтахаб ут-таворих», «Тазкират ул-хавотун» («Хотинлар тазкираси») ва «Машоҳир унисвон» (Машҳур хотинлар) каби асарларда шу қимматли маълумотларни ўқиймиз.

Юқорида номлари зикр қилинган маликалар фаолиятларини ёритишда қўлимиздаги мазкур манбалар ва халқ оғзаки нақл ва ривоятларига асосланиб иш кўрдик.

## САРОЙ МУЛК ХОНИМ

Сарой Мулк хоним чигатой улусига мансуб мўғул хонларидан Қозонхоннинг қизи бўлиб, 1341 йилда туғилган. Қозонхон тахтдан аزل этилиб, қатл қилинган чоғда Сарой Мулк хоним ҳали беш ёшда эди. Сарой Мулк хоним балоғатга етгач, 1355 йилда Мовароуннаҳр ҳукмдори амир Қозоғоннинг набираси амир Ҳусайн уни никоҳига киритди.

1370 йилда соҳибқирон Амир Темур жангда амир Ҳусайнни енгиб, уни қатл қилдиргач, Мовароуннаҳр ҳукмронлигини ўз қўлига олади. Табиийки, амир Ҳусайннинг бир неча хотинлари бўлиб, ҳарамнинг улуғ бекаси — Тармаширинхоннинг қизи Суюнч Қутлуғ Оғо эди. Соҳибқирон Амир Темур мақтулнинг ҳарамдаги маликалар орасидан Қозонхоннинг қизи — Сарой Мулк хонимни, Баён Сулдузнинг қизи — Улус Оғони, Хизр Ясурийнинг қизи — Ислон Оғони ҳамда Тағой Туркон Хотунни танлаб олиб, икки муддати уч ой ўтгач, ўз никоҳига киритади.

Соҳибқирон Амир Темур Сарой Мулк хонимни ўз никоҳига киритгач, «курагон» унвонига мушарраф бўлди. Курагон ибораси мўғулча сўз бўлиб, «куёв» деган маънони ифодалайди. Зеро, Сарой Мулк хоним мўғул хонларидан бирининг қизи бўлгани туфайли соҳибқирон Амир Темур мўғул хонининг куёви, яъни «Амир Темур Курагон» номини олган эди.

Соҳибқирон Амир Темур малика Сарой Мулк хонимни ўз никоҳига киритгунга қадар, ҳарамда бошқа хотинлари ҳам бор эди. Лекин хон авлодига мансуб Сарой Мулк хоним ҳарамдаги барча маликалардан улугроғи ҳисобланиб, «катта хоним» ёхуд «Бибихоним» деган унвонга ноил бўлади. Албатта, бундай эъзозга мушарраф бўлиш учун ақл-заковат, дид-фаросат, фикрлаш доирасининг улканлиги бош омил бўлган. Зотан, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Сарой Мулк

хоним замонасининг юксак идрокли, фаросатли, тадбиркор ва ақл-заковат соҳибаси, ҳусн-латофат бобида ҳам беназир эди. Сарой Мулк хоним инсонпарвар, ватанини севгувчи, мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидан яхшигина хабардор бўлган, салтанат ишларида доно маслаҳатлари билан қатнашиб турган аёл эди. Айниқса, илм-маърифатга алоҳида эътибор ила қарар, толиби илмларга ҳомийлик қиларди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юришларида Сарой Мулк хоним кўпинча бирга юрган. Тарихий манбаларнинг яқдиллик билан берган маълумотларига кўра, ута зийрак, тадбиркор Сарой Мулк хоним салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал қилишда ўзининг оқилона маслаҳатлари билан фаол қатнашган. Амир Темур Сарой Мулк хонимга ошқора бўйсунмаса-да, бироқ унинг оқилона маслаҳатларига ўзида қандайдир эҳтиёж сезиб турган. Нақл қилишларича, Амир Темур Эронга қарши юриш бошлаганда, Исфохоннинг қамали кўпга чўзилиб, қўшинини озуқа билан таъминлашга маблағ етишмай қолади. Ниҳоят, Амир Темур Самарқандга чопар йўллаб, Сарой Мулк хонимга мактуб жўнатади. Мактуб қисқа бўлиб, «Қўшининг заҳираси тугади, хазинадан зар юборинг», дейилганди. Сарой Мулк хоним мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, мактубнинг орқа томонига «Улуғ амир, зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугадиму?»— деб ёзади ва уни чопарга тутқзади.

Амир Темур мактубни олгач, Сарой Мулк хонимнинг кинояли замзамасини ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят бир қарорга келади: лашкаргоҳда сўйиб ейилган кўй, қорамол, от ва туя суякларини ўша кунидеъ йиғдириб, турли ҳажмларда қирқтириб, катта ҳажмдагисига катта қиймат, кичигига кичик қиймат белгилаб, унга пўлат муҳрни қиздириб тамға бостиради ҳамда муваққат пул урнида муомалага киритишга фармон беради. Натижанда, қўшин шаҳар ва қишлоқларда суяк пулга қўшини учун озиқ-овқат сотиб олинади. Тез кунда Исфохон шаҳари таслим бўлгач, суяк пуллар зар билан алмаштирилади.

Амир Темур саройида жорий қилинган тартибга кўра, чет эллик элчиларин қабул қилиш маросимларида ҳукмдор ёнида хотинлари ҳам иштирок этишган. Испания қироли Генрих III нинг Самарқанд ҳукмдори Амир Темур ҳузурига юборган элчиси Рюи Гонзалес де

Клавихонинг ёзишича, 1404 йил 8-сентябр душанба куни Амир Темур Самарқанд четидаги «Дилкушо» боғида элчиларни қабул қилади. Қабул маросими катта зиёфат ва тантана билан бошланган. Клавихонинг ҳикоя қилишича, қабул маросимида ҳукмдор Темурнинг ёнида Сарой Мулк хоним бошлиқ бошқа хотинлари ҳам юзларига парда ташлаб ўтирганлар. Испан қироли юборган ҳадялар орасида ҳукмдорга кўпроқ қизил мовут маъқул бўлган. Бу ҳақда у ўз хотинлари, аввало Сарой Мулк хоним билан фикрлашади. 1404 йил 17-октябр жума куни Сарой Мулк хоним ҳам катта зиёфат беради. Зиёфатда бошқа элчилар қаторида испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо ҳам қатнашади. Клавихо Темур боғларида берилган зиёфатларнинг тўкин-сочинлиги, боғлардаги ранг-баранг икак чодирлар, ундаги олтин-кумуш жиҳозлару боғларнинг ўта дид ва фаросат билан жиҳозлангани ҳақида мароқ ила ҳикоя қилади.

Нақл қилишларича, Сарой Мулк хоним кунлардан бир кун ўз жамғармаси ҳисобига, савоблик учун, худо йўлида бир мадраса бино қилдиришга эри Амир Темурдан ижозат сўрайди. Ҳукмдордан рухсат бўлгач, отаси Қозонхон томонидан совға қилинган бир жуфт олмос балдоғини сотууга қўйиб, бу маблағни мадраса қурилишига сарфлайди. Сарой Мулк хоним мадраса қурилиши жараёнида қурилиш майдонига тез-тез келиб иш бошқарувчиларга фикрини айтади. Мадраса қурилиши ниҳоясига егаётганда ҳам Сарой Мулк хоним одати бўйича ўз канизлари билан қурилиш майдонига келиб, устабошига бинонинг кам-кўстлари ҳақида кўрсатмалар беради. Устабоши Сарой Мулк хонимнинг кўзини кўрмаган бўлса-да, унинг жозибали сўз оҳангларида оқила ва ўткир зеҳнли аёл эканлигига имони комил бўлади. Малика кетгач, устабоши хоним билан бўлган бир нафаслик мулоқотдан олган таассуротини ичига сиғдиролмай, ҳиссиёти ғалаба қилиб, атрофидаги усталарга:

— Ёпирай, аёл зоти ҳам шунчалик доно ва оқила бўладими?.. Хоним ҳақида шу кунгача эшитган барча таъриф-тавсифларнинг ҳаммаси тўғри экан. Қани энди ҳамма аёллар ҳам шундай нафосатга эга бўлсайди,— деб чуқур уф тортади.

Устабошининг беғубор сўзлари тез орада қурилишдаги барча корфармон, уста ва мардикорлар орасида тарқалади. Бир-икки кун ўтгач, миш-мишлар зўрайиб, «нима дейсан, устабоши хонимга ғойибона ошиқ



булиб қолган эмиш», деган сўзлар тарқаб кетади. Табийки, бу миш-мишлар Сарой Мулк хоним қулоғига етиб боради. Устабоши ўзининг бемулоҳазалигидан ўқиниб, суяксиз тилнинг жароҳатидан нолиб турган бир бақтда, Сарой Мулк хонимнинг хос канизларидан бири қўлидаги рўмолга ўралган лаганчани устабошига узатаркан:

— Хоним ушбу тухумларни сизга юбормишлар. Токи мазкур етти хил рангга бўялган етти дона тухумни тановул айлаб, аларнинг мазаси бир хилму ёхуд ҳар бирининг мазаси алоҳидаму, ушбуни фарқлаб бергайсиз. Жавобини эртага қиём пайтида эшитурмиз,— деб қайтиб кетади.

Устабоши рўмолни очиб, етти хил рангдаги тухумни ўз кўзи билан кўргач, хоним нимага шама қилаётганини тушуниб, чуқур изтиробга тушади.

Шу кунларда соҳибқирон Амир Темур навбатдаги юришдан қайтиб келаётгани, бугун-эрта Самарқандга етиб келиши ҳақида овозалар тарқалади. Устабошининг кўз-ўнги қоронғулашиб, қўли ишга бормайди.

«Миш-мишлар бошимга бало бўлди, ҳадемай соҳибқирон етиб келса, мени соғ қўймайди, жазога мустаҳик қилмоғи муқаррардур. Пачора, тақдири азалда битилган эрканда. Аммо чиқмаган жондин умид. деганлар машойиҳлар, бу ердин қочмоқ чорасини изламоқ даркор. Дарвоқе, қочиб ҳам қаерга бораман. Пастга ҳам тушиб бўлмайдур, дарҳол тутуб зиндонга солурлар. Не қилмоқ керак?» деб оғир ўйга толади.

Устабоши ўйлаб-ўйлаб охири бир қарорга келгач, исғирдини ёнига чақириб, уни ўз режасидан воқиф қилади. У ўзига иккита қанот боғлаб, гумбаз устидан сакрайди. Қанот ёрдамида шаҳар четидаги бир яйловга шўнғийди. Аммо қўнишга улгурмаёқ боши ерга қадалиб, оламдан ўтади. Бу манзарани кузатиб турган шогирд «Эҳ, аттанг, устоз андак хатога йўл қўйибдурлар. Қанот билан бирга, дум ҳам боғламоқ лозим эрди»,— деб ўзига қанот ва дум боғлайди-да, гумбаздан ялангликка парвоз қилади. Воқеан шогирд дум ёрдамида сиҳат-саломат ялангликка қўниб, кўздан ғойиб бўлган. Шундан буён халқ орасида «устасидан шогирди ўзган» деган мақол қолган дейишади.

Сарой Мулк хоним қурдирган мадраса XIV аср охири ва XV аср бошларида Самарқанддаги мадрасалар орасида улкан ва маҳобатлилиги жиҳатидан ажралиб турган. Мадрасага замонасининг етук мудар-

рислари тайинланиб, улар толиби илмларга диний ва дунёвий илмлардан дарс берганлар. Сарой Мулк хоним мадраса толиби илмларининг аҳволидан тез-тез хабар олиб, уларга ҳомийлик қилиб туради. Ривоятларга кўра, Сарой Мулк хоним ўз одатича, қош қорайгач, ўзининг яқин канизлари билан кийимларини ўзгартириб, мадраса томон йўл олади. Негаки, Сарой Мулк хоним мадраса толиби илмларининг аҳволи руҳияси, ким қандай тирикчилик ўтказаятганию тунда қандай иш билан машғул эканликларини зимдан текшириб турар эди. Бир кеча хоним мадрасага етиб келганда ҳужраларининг деярлик барчасида чироқ ўчган, толиби илмлар тун оғушида уйқуга чўмган эдилар. Фақат биргина ҳужрада шам ёниб, ичкаридан товуш эшитиларди. Сарой Мулк хоним канизларини мадраса ҳовлисида қолдириб, ўзи оҳиста юриб, ҳужра эшиги ёнида ичкарига қулоқ солади. Толиби илмлардан бири иккинчисига дейди:

— Қани, айтигчи биродари азиз, ҳозир кўнглингиз нима истаябди?

— Э, биродар нима бўларди, қўй гўшти, қўй ёғида дамланган бир лаган серёғ палов бўлса, билакка пахта боғлаб, бир тўйиб ер эдик-да,— дея жавоб бергач, шеригидан сўради:— Хўш жўражон, ўзингизни кўнглингиз нима истаябди?

— Э, биродар, кўнглимда тамоман бошқача орзу. Ушбу мадраса соҳибаси Сарой Мулк хоним дунёда тенгги йўқ гўзал, деб эшитганмен. Қанийди иложи бўлса, шу хоним билан бир кеча суҳбатлашсам,— жавоб берди биринчи толиби илм.

Шеригидан бундай қалтис сўзни эшитган жўраси:— Э, овозингизни ўчиринг, биродар, нима деяётганингизни биласизми, тагин бир фалокатни бошламанг,— деб унга дашном берди.

Сўз шу ерга етганда Сарой Мулк хоним ҳужра эшигидан узоқлашиб, канизлари билан саройга қайтади.

Эртаси кун пешиндан оғгач, надимлардан уч-тўрттасига мадрасага бориб, барча толиби илмларни саройга олиб келишларини буюрди. Толиби илмлар бу ногаҳоний таклифдан ҳаяжонда, надимлар қуршовида саройга келдилар. Фақат икки толиби илм бу таклифдан шубҳаланар ва тундаги қалтис орзунинг қурбони бўлиш даҳшатидан қалтирарди. Барча толиби илмларни катта меҳмонхонага киритиб, зиёфат берадилар. Зиё-

фат охирида қўй гўшти, қўй ёғида тайёрланган серёғ палов тортилади. Шундан сўнг, меҳмонхонага канизлар қуршовида, юзига нарда тортган ҳолда Сарой Мулк хоним кириб келади ва махсус ўриндиққа ўтиргач, толиби илмлар орасидан тунги суҳбатдошларни таниб ўз ҳузурига чорлайди:

— Ҳуш, мулла йигитлар, билакка пахта боғлаб ейдиган палов булибдими?— дейди.

Ҳалигача қўрқувдан қалтираб турган икки толиби илм дарҳол тиз чўкиб:

— Қуллуқ хонойим, таърифдин зиёда палов булибдур, мадҳига тил ожизлик қиладур,— дея таъзим қилибдилар.

Сарой Мулк хоним биринчи толиби илмга юзланаркан:

— Энди сизнинг орзуингизга келсак. Қўриб турганингиздек, мен соҳибқироннинг никоҳларидамен, бинобарин сиз бирлан суҳбат қурмоғим мумкин эмас. Биноан алайҳи ўзимнинг гузал канизларимдан бирини сизга никоҳлаб берурмен? Розимудурсиз?— дейди.

Ҳалигача тили калимага келмай, эс-ҳушини йўқотаяёган толиби илм, дарҳол ўзини хоним оёғига ташлаб:

— Уэр, афв этсунлар хонойим, бу беадаб қулларининг гуноҳидан ўтсунлар,— деб илтижо қилади.

Шу аснода Сарой Мулк хонимнинг ишораси билан меҳмонхонага қози ва имом кириб келади ва барча толиби илмлар гувоҳлигида канизларидан бирини толиби илмга никоҳлаб қўядилар...

Афсуски, Сарой Мулк хоним мадрасаси узоқ турмади. Ривоятларга қўра XVI аср охирида Бухоро амири Абдуллахоннинг темурийларга хусумати туфайли, махсус фармон билан мадрасани буздириб ташлади. Фақат мадраса ёнига қурилган мақбарагина сақланиб қолган. Мақбаранинг олд томони ранг-баранг кошинлар билан безатилди. Мақбаранинг ички қисмидаги безакларга яшил, қизил ва қора бўёқлар билан жило берилди. Изораларга юлдуз шаклида кўк нақшлар ишланиб, кошинли ҳошиялар билан ўралди. Мақбара даҳмасига ташқаридан махсус эшик орқали кирилади. Даҳма деворлари хилма-хил кошинлар билан безатилган бўлиб, даҳма ичига тош тобут қўйилган.

Самарқандда машҳур Бибихоним масжиди жомеъси хам бор. Бу масжидни амир Темур Ҳиндистон юришидан қайтиб келгач, 1399—1404 йиллар мобайнида ўзининг улуғ бекаси Сарой Мулк хонимга атаб қурдир-

ган. Бинобарин, бу «Бибихоним» масжиди жомеъи номи билан машхур бўлган. Масжиди жомеъ Урта Осиёдаги обидаларнинг энг йириги саналади. Унинг ҳовлисининг саҳни  $63,8 \times 76,0$  метр бўлиб, атрофи равоқ ва пештоқлар билан ўралган. Масжиднинг умумий саҳни эса  $167 \times 109$  метрдир.

Давр ўтиши мобайнида Бибихоним масжиди зилзилалар таъсирида анча футурдан кегиб, вайронага айланди. Ҳозирги кунда Бибихоним масжиди бир-бири билан боғланмаган олти бўлакдан иборат бўлиб, ҳовлининг юқори қисмида меҳробли баланд пештоқли бино, пойгакда масжиднинг иккига ажралган пештоқи ҳамда шимоли-ғарб қисмида якка ҳолда сақланиб қолган минора. Уз даврида мазкур бўлақлар уч қатор оқ мрам устунли, енгил равоқли пешайвонлар билан бири-бирига бирлаштирилиб, уларнинг устида 400 та гумбазчалар бўлган. Устунларнинг жами 480 та бўлиб, оралиғи — 3,5 метр, остки қисми махсус тагкурсилли, ўрта қисми уйма нақшкор, юқори қисми рангли кошинлар билан қубба шаклида ишланган. Ҳовли ўртасига мрам тошдан улкан лавҳ — Қуръон қўйиб ўқиладиган махсус курси қўйилган. У авваллари асосий бино ичида бўлиб, 1875 йилда гумбазнинг қулаш хавфи туғилганда ҳовли ўртасига чиқариб қўйилди. Мазкур лавҳ Улуғбек Мирзо кўрагоннинг фармони билан ясалган. Лавҳга «Султони аъзам, олий ҳимматли хоқон, дин-диёнат ҳомийси, Ҳанафия мазҳабининг посбони, аслзода султон ибн Султон амир ал-мўминин Улуғбек курагон» деб ёзилган.

Бибихоним масжидига кираверишдаги катта пештоқнинг устки қисми 1897 йилги зилзилада қулаб тушган. Пештоқнинг ички қисмида кичикроқ иккинчи равоқ ва унинг уйма мрам ҳошияли дарвозаси ҳам бўлган. Дарвоза устига ўрнатилган лавҳада масжиднинг қурилган йили ва амир Темурнинг шажараси битилган. Масжиднинг «ҳафт жуш» — етти хил металл қотишмасидан ясалган қўш табақали дарвозаси бўлган. Бу дарвоза кейинчалик йўқолиб кетган.

Бибихоним масжиди айни даврда вайрона ҳолда бўлса-да, серҳашам безакларнинг ўта нафислиги киши диққатини ўзига жалб этади. Ранг-баранг шакл ва нақшлар ўша давр усталарининг позик дид ва юксак маҳоратидан далолат бериб туради.

1405 йил 18 февралда соҳибқирон амир Темур Ўт-рорда вафот қилгач, Самарқанд тахтига унинг наби-

раси Халил Султон Мирзо (1384—1411) ўтирди. Ибн Арабшоҳнинг берган маълумотига кўра, Халил Султон Мирзонинг хотини Шод Мулк бегим 1408 йилда Сарой Мулк хонимни заҳарлаб ўлдирган. Сарой Мулк хонимнинг жасадини ўзи қурдирган мадрасаси ёнидаги мақбарага «тош тобут»га солиб, мўмиёланиб дафн қилинган. 1941 йил июн ойида Гури Амир мақбарасида абадий уйқуга кетган амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо, Муҳаммад Султон Мирзо ва Улуғбек Мирзоларнинг қабрлари очиб текширилади. Сарой Мулк хоним қабри ҳам очилиб, жасадни текшириш мақсадида Тошкентга олиб келишган. Кейинчалик яна Самарқандга олиб бориб қўйилган.

Соҳибқирон Амир Темур Сарой Мулк хонимдан фарзанд кўрмаган. Аммо соҳибқирон ўз ўғли Шоҳруҳ Мирзони, суюкли набиралари Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзо ва бошқа мирзоларни бевосита зукко Сарой Мулк хоним тарбиясига топширган эди.

### ГАВҲАР ШОД БЕГИМ

Гавҳар Шод бегим Амир Темурнинг туртинчи ўғли Шоҳруҳ Мирзонинг суюкли катта хотини эди. У Чигатой зодагонларидан Ғиёсиддин Тархоннинг қизи эди. Ривоят қилишларича, Ғиёсиддин Тархоннинг бобоқалони — Қушлик бир вақтлар Чингизхон мулозиматида бўлиб, бир жанг асносида уни ўлимдан сақлаб қолган экан. Шундан буён Чигатой улусида бу авлод юксак эътибор ва ҳурматга сазовар бўлган.

Гавҳар Шод бегим 1379 йилда туғилиб, 1393 йилда Шоҳруҳ Мирзо никоҳига кирган. Ундан уч ўғилу икки қиз кўрган. Тўнғич ўғли — Улуғбек Мирзо курагон (Муҳаммад Тарағай, 1394—1449), ўртанча ўғли — Бойсунғур Мирзо (1397—1433) ва кичик ўғли — Муҳаммад Жўки Мирзо (1401—1445) лардир.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Гавҳар Шод бегим юксак дид-фаросатли, оқила, тадбиркор, суҳандон, бир сўзли — қатъиятли, ҳусн бобида ҳам бе-назир аёл бўлган. Табиатан мутаасиб диндор Шоҳруҳ Мирзо кўп вақтини тоат-ибодат ва китоб мутолаасига сарфларди. Салтанат, девон ишларини ўқтам ва тадбиркор хотини Гавҳар Шод бегим бошқарарди. Бу зийрак аёл қайнотаси Амир Темур вафотидан сўнг, секин-

аста салтанат ишларини ўз қўлига олди. Зотан, Шоҳруҳ Мирзонинг ўзи ҳам хотини Гавҳар Шод бегимнинг донолигига таян берар, салтанатни бошқаришда оқилона ва тадбирли маслаҳатларига эҳтиёж сезиб турарди. Шу боис, салтанатга доир кўпгина ишлар маликанинг назар-эътиборига ҳавола қилинган. Вилоятларга ҳоким тайинлаш, қўшинга саркарда белгилаш, ҳатто кимга қандай илғом ва кимга қандай жазо бериш масалалари ҳам маликанинг инон-ихтиёрида эди. Масалан, 1440 йил 6 майда машҳур Ҳирот тарихчиси (кейинчалик сарой тарихчиси) Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолиддин Муҳаммад Хавафий (1375—1442) малика Гавҳар Шод бегимнинг назабига учраб, икки маротаба қисқа муддатли қамоққа ҳукм қилинади.

Гавҳар Шод бегим Шоҳруҳ Мирзонинг ҳарбий юришларида иштирок қиларкан, шаҳзодаларнинг феъл-атвори ва ҳарбий бошлиқларнинг хатти-ҳаракатидан воқиф бўлиб турарди. Тахтга валиаҳд тайинлаш масаласида ҳам Гавҳар Шод бегим ўз иродасини ўтказишга уринади. Чунинчи Шоҳруҳ Мирзо ўзининг кенжа ўғли Муҳаммад Жўки Мирзони валиаҳд этиб тайинлашга ҳаракат қилади. Бироқ, Шоҳруҳ Мирзонинг бу режаси маликага ёқмайди. Малика ўз ўғли Муҳаммад Жўки Мирзога нисбатан набираси Алоуд Давла Мирзо (1417—1461) ни валиаҳдликка муносиб, деб биларди. Аммо ўртаданча ўғли марҳум Бойсунғур Мирзонинг ўғли Алоуд Давла Мирзони ошкора валиаҳд этиб тайинлашга тўғри ўғли Улугбек Мирзо курагондан ҳайиқар, бу масалани Шоҳруҳ Мирзо қўли билан ҳал қилишга уринарди.

1444 йилда Шоҳруҳ Мирзо оғир хасталаниб, ўлим тўшагида ётганида, аркони давлат ҳукмдорининг тез фурсатда оламдан кўз юмушига ишончлари комил бўлгач, Балх вилояти ҳокими бўлиб турган Муҳаммад Жўки Мирзога ишонилинч хабар юборадилар. Шаҳзода зудлик билан Ҳиротга етиб келади. Бироқ шаҳзода етиб келгунча, онаси малика Гавҳар Шод бегимнинг фармонида мувофиқ, ҳарбий қўшинлар сардори Жалолиддин Ферузшоҳнинг валиаҳдликка тайинланган Алоуд Давла Мирзога байъат (ишонч ёрлиғи) бериб, қасамёд қилгани ҳақидаги хабарни эшитди. Муҳаммад Жўки Мирзо онаси Гавҳар Шод бегимнинг бундай «марҳамат»дан қаттиқ ранжийди ва отасини зиёрат қилгач, Балхга қайтиб кетади. Шу воқеадан сўнг тез кунда Шоҳруҳ Мирзо касалдан фориг бўлиб, ўрнидан тура-

ди. Бўлиб ўтган воқеа учун малика Гавҳар Шод бегим эмас, Жалололдин Ферузшоҳ жазоланади. Маликанинг режаси тақдир тақозоси билан бир неча йилга орқага сурилади. 1445 йилда шаҳзода Муҳаммад Жуки Мирзо касалланиб вафот этади. Шундан сўнг Шоҳруҳ Мирзо ўзинга валиаҳд тайинлаш масаласида умрининг охиригача бир қарорга келолмайди.

Шоҳруҳ Мирзо даврида Хуросон сиёсий-ижтимоий ва маданий жиҳатдан анча гуркираб ўсди. Мамлакат пойтахти Ҳирот иқтисодий ва маданий юксалишида Шарқнинг энг нуфузли шаҳарларидан бирига айланди. Табиийки, мамлакатнинг бундай юксалишида «амалий ҳукмдор» малика Гавҳар Шод бегимнинг ҳиссаси бекиёс. Бу даврда Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа вилоятларида қурилиш ишлари авж олган эди. Масжид-мадрасалар, хонақоҳ, мақбара, даҳма, мусофирхона, шифохона, равот, кўприк ва сардобалар қуриб битказилди.

Шоҳруҳ Мирзонинг Хуросонда ҳукмронлик қила бошлаган илк йилларидаёқ, у Ҳирот қалъасининг жанубий томонидан мадраса ва хонақоҳ (1410—1411) бино қилдиради. Ана шундан сўнг Шоҳруҳ Мирзо авлодига мансуб шаҳзодалар ва маликалар ҳам мадраса, масжид, хонақоҳ, шифохона ва шунга ўхшаш иморатлар бунёд этиш билан шаҳар ободончилигига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Табиатан ватанпарвар, билимдон ва зукко Гавҳар Шод бегим мамлакат равнақи йўлида тинмай гамхўрлик қилади. Унинг дастурида маданий ва маърифий ҳаёт биринчи ўринда бўлган. Шу боисданми, фарзандлари ҳамда барча набиралари илм-фан мухлислари бўлиб, ҳатто газал ҳам битганлар.

Гавҳар Шод бегим Ҳиротдаги жуда кўп қурилиш ишларига раҳномалик қилди. Унинг ўзи ҳам Ҳиротда иккита катта мадраса қурдирган. Гавҳар Шод бегимнинг кундоши малика Милкат Оғо (бу маликанинг асли номи Мулк Оғо бўлиб, Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умар Шайх Мирзонинг хотини эди. 1394 йилда Умар Шайх Мирзо вафотидан сўнг, қайинотаси Амир Темурнинг продасига бўйсуниб, Шоҳруҳ Мирзо никоҳига кирган) Ҳирот шаҳарида бир мадраса, «Дорушифо» номли касалхона, «Дорулҳадис» номли хонақоҳ, иккита ҳаммом ва шаҳардан саккиз фарсах (тош) четроқда битта мадраса, кутубхона ва мақбара, шаҳзода Алоуд-

Давла Мирзо эса битта касалхона қурдирган. Айни вақтда, хусусий мулкдор, давлатманд кишиларга хайрия тариқасида қурилишлар бунёд этишга ижозат берилган ва рағбатлантириб турилган.

1446 йилда қариб қолган Шоҳруҳ Мирзо ўз набираси — Қазвин, Рай ва Қум вилоятларининг ҳукмдори Султон Муҳаммад Мирзога (Бойсунғур Мирзонинг ўғли) қарши ғарбга юриш бошлайди. Бу юришдан мақсад ўзбошимча ёш шаҳзоданинг адабини бериб қўйиш эди. Ўз бобосига қарши бош кўтарган шаҳзода Ҳамадон билан Исфажонни босиб олиб, Шерозни қамал қилган эди. Қўшиқда малика Гавҳар Шод бегим ва Абдул Латиф Мирзо (Улуғбек Мирзо Курагоннинг ўғли) Шоҳруҳ Мирзо билан бирга эдилар. Шоҳруҳ Мирзо Ғарбий Эронда ҳеч қандай қаршиликка учрамади. Чунки шаҳзода Султон Муҳаммад Мирзо бобосининг келаётганини эшитгач, Шерозни қамалдан бўшатиб, ўзи тоққа қочиб кетган эди. Шоҳруҳ Мирзо Шерозга киргач, шаҳзоданинг барча яқин кишиларини жазога ҳукм қилади. Гавҳар Шод бегимнинг қатъий талаби билан бир неча саййидлар ҳам қатл этиладилар. Ажабланарли жойи шундаки, ўта тақводор, художўй салтанат соҳиби Шоҳруҳ Мирзо ҳам хотини Гавҳар Шод бегимнинг иродасига буйсуниб, саййидларни қатлга ҳукм қилади. Саййидлар устидан бундай жазо ҳукмини чиқаришга на Амир Темур ва на Улуғбек Мирзо ботина олмас эдилар.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, саййидлар Шоҳруҳ Мирзодан «адолат юзасидан тафтиш ўтказиш» ни ёлбориб сўрайдилар. Аммо Шоҳруҳ Мирзо малика Гавҳар Шод бегимнинг хоҳишини қайтаролмайди ва ҳукм ижро этилади. Ниҳоят, саййидлар дор остида туриб, Шоҳруҳ Мирзони «дуойи бад» қиладилар. Бинобарин, кўп ўтмай Шоҳруҳ Мирзо авлоди қирилиб кетиш сабабини мазкур саййидлар қарғишига учраганлигининг оқибатидир, деб ёзади Давлатшоҳ Самарқандий.

Шоҳруҳ Мирзо Шероздан Ҳиротга қайтаётганда йўл асносида бетобланиб, 1447 йил 12 мартда вафот этади. Гавҳар Шод бегим қўшин қўмондонлигини Абдул-Латиф Мирзога топширади. Аммо Ҳиротга — Ало-уд-Давла Мирзога «пойтахтни мустаҳкамлаш» ҳақида махфий мактуб ёзиб, уни махсус чопар орқали жўнатади. Бундан огоҳ бўлган Абдул-Латиф Мирзо буниси Гавҳар Шод бегимни маҳбусликда сақлаб, Амударё



томон йўл олади ҳамда бобоси Шоҳруҳ Мирзонинг ўлими ҳақида ўз отаси Улуғбек Мирзога хабар юборади.

Амакиси Улуғбек Мирзодан ҳайиққан Алоуд-Давла Мирзо ўзини подшоҳ деб эълон қилишга журъат этмайди ва аввалгидек жума кунлари масжидларда бобоси Шоҳруҳ Мирзо номини хутбага қўшиб ўқитади. Бироқ, Абдул-Латиф Мирзонинг кирдикорлари, айниқса бувиси Гавҳар Шод бегимга нисбатан қўллаган жазосини эшитгач, тахтни ўз тасарруфига киритади ва хазинадан қўшинга, қўшин бошлиқларига инъомлар улашиб, Абдул-Латиф Мирзога қарши қўшин йўллайди. 1447 йил 29 апрел шанба куни Абдул-Латиф Мирзо Нишопур яқинида тўсатдан Алоуд-Давла Мирзо қўшинига дуч келиб, мағлубиятга учрайди ва ўзи асир олинади. Маҳбусликдан озод қилинган малика Гавҳар Шод бегим маҳбус Абдул-Латиф Мирзони ўзи билан бирга олиб, Ҳирот томон йўлга тушади. Маликани Жом шаҳрининг яқинидаги Саъдобод мавзеида Алоуд-Давла Мирзо кутиб олади. Абдул-Латиф Мирзони Ҳиротга келтириб, Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйишади. Шоҳруҳ Мирзонинг жасадини эса Гавҳар Шод бегим мадрасасидаги Бойсунгур мақбарасига дафн қиладилар. 1448 йилда Улуғбек Мирзо Ҳиротни вақтинча қўлга киритганда, отасининг жасадини Самарқандга келтириб, Гўри Амирга дафн этдиради.

Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин тахт учун бошланиб кетган қонли можаролар тепасида Гавҳар Шод бегим турарди. У невараси Алоуд-Давла Мирзони тахт соҳиби қилиш учун макр-ҳийлалар ишлатса-да, бироқ ўз мақсадига эришолмайди, қайтанга ака-ука шаҳзодалар орасида қонли тўқнашувларни вужудга келтиради. 1450 йилда эса тахтни Алоуд-Давланинг укаси Абулқосим Бобур Мирзо (1422—1457) қўлга киритади.


1457 йилда Абулқосим Бобур Мирзо Машҳадга келади. Саройда катта иноҳона зиёфат берилади. Базм асносида шароб ичиб ўтирган ҳукмдорнинг аҳволи ўзгариб, беҳол йиқилади. Табиблар муолажаси фойда бермайди ва у 36 ёшида тўсатдан вафот этади. Шундан сўнг тахт учун яна узаро кураш бошланади. Шаҳзодаларнинг ноиттифоқлигидан фойдаланган Самарқанд ҳукмдори Султон Абусайид Мирзо (1424—1469) Хуросонни босиб олади. Султон Абусайид Мирзо Самарқанд тахтини ўзининг катта ўғли Султон Аҳмад Мирзога (1451—1493) бериб, Ҳиротни ўзининг пойтахти деб

эълон қилади. Бу вақтда малика Гавҳар Шод бегим 80 ёшга яқинлашиб, анча қариб қолган эди. Бироқ қариб қолган малика Хуросон тахтидан ҳали ҳам воз кечмаган эди. Бинобарин, чевараси Султон Иброҳим Мирзони (1440—1460) ҳукмдор Султон Абусайид Мирзога қарши исён кутаришга ундайди. Маликанинг бу ҳаракатидан хабар топган Султон Абусайид Мирзо маликани чопиб ташлашга фармон беради. Фармонга мувофиқ 1457 йилда Гавҳар Шод бегим чопиб улдирилади ва ўзи қурдирган мадраса ёнидаги Бойсунғур даҳмасига дафн этилади.

### ШОДМУЛК ХОТУН

Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Шодмулк Хотун Самарқанд шаҳрининг қуйи табақасига мансуб ҳунарманд оиласида дунёга келади. Амир Темурнинг суюкли набираси Халил Султон Мирзо (Мироншоҳ Мирзонинг ўғли, 1366—1408) кунлардан бир кун шаҳар четидаги боғ кўчадан отда ўтиб кетаётиб, Шодмулкка кўзи тушади ва уни севиб қолади. Халил Султон Мирзо (1384—1411) жасоратли, ҳарбий салоҳиятли ва истеъдодли йигит бўлган. Балоғатга етгач, уни аслзода хонадон қизига уйлантиришган. Ундан бир ўғли ҳам бор эди. Аммо Шодмулкни севиб қолгач, ўз замонасининг таомилига қарши ўлароқ, шу қизга уйланади. Табиийки, бундай «тенгсиз» никоҳга Темур бошлиқ бутун авлод қарши туришган. Бироқ Халил Султон Мирзонинг қатъий қарори ғолиб чиқади. Амир Темур аввалида қаттиқ ғазабланган бўлса-да, кейинчалик набирасига бўлган юксак эътиқоди туфайли унинг гуноҳини кечиради.

Амир Темур вафотидан сўнг, 1405 йил март ойида Халил Султон Мирзо Самарқанд тахтига ўтиради. У салтанатни бошқаришда адолатни бош мезон қилиб, мамлакат ички ва ташқи аҳволини яхшилаш чораларини излайди. Лекин хотини Шодмулк бегимнинг салтанат ишларига фаол аралашуви натижаси ўлароқ, аркони давлат орасида айрим норозиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шодмулк бегим Темурнинг барча бева хотинлари-ю хос канизақларини ҳарбий бошлиқлар ва амалдорларга инъом қилиш ҳақида Халил Султон Мирзога маслаҳат бериб, уни кундиради. Жумладан, 1406 йилда Темурнинг бева хотини Туман Оғо



бегимни амир Шайх Нуриддинга хотинликка беради. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Сарой Мулк хоним билан Тукал хонимларни Шодмулк бегимнинг махфий буйруғига биноан заҳарлаб ўлдирганлар. Темур давридаги бек ва амалдорларга етарли илтифот ҳам кўрсатилмайди. Хазина ва салтанат ишларида Шодмулк бегимнинг фаолияти баттар кучаяди. Шодмулк бегимнинг хоҳиш-иродаси ила қуйи табақага мансуб кишилар юқори лавозимларга кўтарилади. Темур сафдошларига қарама-қарши ўлароқ, Шодмулк бегимнинг хоҳишига мувофиқ, қандайдир Бобо Турмуш деган кимса тўла ҳуқуқли вазирлик мансабини эгаллайди. Аввалги амалдорлардан Оллоҳдод ва Арғуншоҳларга ҳам ҳеч қандай рағбат бўлмайди.

Арқони давлат ўртасида вужудга келган бундай нобарбарлик салтанат пойдеворига раҳна солиши муқаррар эди. Зотан, ана шундай қулай вазият Шоҳруҳ Мирзо учун асқотди. 1409 йил баҳорида Шоҳруҳ Мирзо қўшини Бодхез мавзеига келиб тўхтади. Халил Султон Мирзонинг қўшини эса Шаҳрисабзда жангга тайёр ҳолда турарди. Шу аснода шимолда амир Худайдод бошчилигида қўзғолон кўтарилгани хақида хабар қелади. Халил Султон Мирзо асосий қўшинни Шаҳрисабзда қолдириб, 4000 аскар билан амир Худайдодга қарши боришга мажбур бўлади. 1409 йил 30 март куни Халил Султон Мирзо амир Худайдод томонидан асирга олиниб, Самарқандга келтирилади ва кейинчалик Фарғонага олиб кетилади. Унинг хотини Шодмулк бегимни эса Шоҳруҳ Мирзога топширадилар. Айрим маълумотларга қараганда, Шоҳруҳ Мирзо Шодмулк бегимни таҳқирлаб, кўп азоб-уқубатларга дучор қилади.

Ниҳоят, Халил Султон Мирзони Фарғонадан Утторга келтириб, амир Шайх Нуриддин воситачилигида Шоҳруҳ Мирзо билан Халил Султон Мирзо ўртасида битим тузилади. Битимга мувофиқ, Халил Султон Мирзо Мовароуннаҳр ҳукмронлигидан воз кечади. Бунинг эвазига Рай вилоятининг ҳокими этиб тайинланади. Хотини Шодмулк бегим қайтариб берилади. Кўп ўтмай, 1411 йил 4 ноябр чоршанба куни Халил Султон Мирзо Рай шаҳрида бетоб бўлиб, вафот этади. Айрим маълумотларга қараганда, у заҳарланиб ўлади. Шундан сўнг 1411 йилнинг охирида эридан кейин яшашни истамаган Шодмулк бегим заҳар ичиб оламдан ўтади.

## ХАДИЧА БЕГИМ

Хадича бегим Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг суюкли хотини эди.

Хадича бегим 1451 йилда Ҳиротда туғилиб, 1457 йилда Султон Абусайид Мирзо Ҳиротни олгач, унга ҳаля этилган хос канизақлардан бири эди. Султон Абусайид Мирзо Хадича бегимни 1465 йилда ўз никоҳига киритади. Султон Абусайид Мирзодан Оқбегим исмли бир қиз ҳам бўлган. 1469 йилда Султон Абусайид Мирзо Ироқда ҳалокатга учрагач, Ҳирот тахтига ўтирган Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро марҳум Султон Абусайид Мирзо ҳарамда Хадича бегимни кўриб, уни севиб қолади ва шаръий иддаси (уч ой) тугагач, ўз никоҳига киритади.

Хадича бегим ёш, гўзал, димоғдор, енгил табиат аёл бўлиб, айни вақтда табиатан ичи қоралик ва макр-ҳийлага мойил эди. Заҳиридин Муҳаммад Бобур Мирзо (1483—1530) Хадича бегим ҳақида: «Ўзини оқила тутар эди, вале беақл ва пургўй (куп гапирувчи, эзма) хотун эди, рофизия (шийлик мазҳабининг бир оқими) ҳам экандур»,— деб ёзади. Дарҳақиқат, Хадича бегим тез фурсатда ўзининг жозибали ҳусн-латофати-ю маккорона илтифотлари билан Султон Ҳусайн Бойқарони ўзига ром қилиб, ҳарамда улуғ бекалик ўрнини эгаллайди.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг хотинлари ва хос канизақларидан 14 ўғил ва 11 қизи бор эди. Шохғариб Мирзо (1471—1489), Музаффар Ҳусайн Мирзолар (1473—1509) Хадича бегимдан туғилган эдилар. Хадича бегим ўз фарзанди — таитиқ ва шуҳратпараст Музаффар Ҳусайн Мирзони Султоннинг барча ўғилларидан устун қўйишига жон-жаҳди ила ҳаракат қиларди. Бинобарин, турли макр-ҳийлалар ишлатиб, ота билан ўғиллар ўртасида низо чиқаришига муваффақ бўлади. Бу низолар кўпинча қонли жангу жадаллар билан тугарди. Султон Ҳусайн Бойқаро тобора Хадича бегимнинг макрига учиб, Музаффар Ҳусайн Мирзодан бўлак ўғилларига унчалик илтифот кўрсатмас ва хавф-хатарда юрарди.

Хадича бегим ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзони ота тахтига валиаҳд қилиб тайинлатиш масаласида хуфиёна ҳаракатни бошлаб юборади. Аммо валиаҳдлик ҳаққи таомилга кўра, Султоннинг катта ўғли Бадиуз-Замон Мирзоники (1458—1511) эди. Гарчи Султон Ҳусайн Бойқаро Бадиуз-Замон Мирзони унчалик суймасанда, ҳар ҳолда уни рози қилиши лозим эди. Айни вақт-

да, Алишер Навоий бошлиқ сарой аҳлининг кўпчилиги валиаҳдликка Бадиуз-Замон Мирзонинг 11 яшар ўғли — Мўмин Мирзони (1486—1497) мутосиб ҳисоблар ва бу ҳақда мулоҳазаларини Султонга очиқ билдирган эдилар. Табиийки, аркони давлат орасида бўлаётган бундай мулоҳазалар Хадича бегимнинг ҳасад оловини алангалатмасдан қўймасди.

1497 йил баҳорида Султон Ҳисорга қарши юриш бошлайди. Султоннинг фармонига кўра, Астрободда ҳукмрон бўлиб турган Бадиуз-Замон ўз ўрнига ўғли Муҳаммад Мўмин Мирзони қўйиб, ўзи отасининг қўшинига келиб қўшилади. Жанг тугагач, Султон Ҳусайн Бойқаро ўғли Бадиуз-Замон Мирзони Балх вилоятига, суюкли ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзони эса Астрободга ҳоким қилиб тайинлайди. Султоннинг бу фармони Бадиуз-Замон Мирзонинг ҳамиятига тегади. Чунки Астрободни ўғли Мўмин Мирзога инъом қилиш тарадудиди эди. Бинобарин, Бадиуз-Замон ўз ўғлига Астрободни қўлдан бой бермаслик ҳақида хабар юборади. Бу жоғаро Султон билан Бадиуз-Замон Мирзо орасида қонли тўқнашувга сабаб бўлади. 1497 йил 2 майда Бадиуз-Замон қўшини тор-мор келтирилади. Айни вақтда Музаффар Ҳусайн Мирзонинг қўшини Астрободни забт этиб, Муҳаммад Мўмин Мирзони асирга олади ва Ҳиротга келтириб, Ихтиёридин қалъасига қамайдилар. Кўпдан бери қўлай вазиятни кутиб ётган Хадича бегим Мурғоб ҳарбий ўрдагоҳида вазир Низом ул-Мулк иштирокида Султоннинг мастлигидан фойдаланиб, Муҳаммад Мўмин Мирзони зудлик билан қатл этиш ҳақидаги фармонга муҳр бостириб олади ва ўша кечасиёқ ҳукм ижро этилади.

1506 йил апрелда Султон Ҳусайн Бойқаро вафот этади. Хадича бегимнинг калтабинлик ила салтанат ишларига аралашуви натижаси ўлароқ, тахтга икки шаҳзода — Бадиуз-Замон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо ўтирадилар. Шайбонийхон Хуросонга ҳужум бошлаганда, икки шаҳзода икки мавзеда — Бадиуз-Замон Қораработда, Музаффар Ҳусайн Мирзо Тарнобда турардилар. Биринчи зарбадаёқ икки шаҳзода икки тарафга — Бадиуз-Замон Қандаҳор орқали Туркияга, Музаффар Ҳусайн Мирзо Астрободга қочадилар. Ҳирот мудофаси эса Хадича бегим бошлиқ уч-тўртта истеъдодсиз аъёнлару хотин-қизларга қолган эди. Шайбонийхон Ҳиротни осонгина қўлга киритади. Хадича бегим Ҳиротдан ташқарига чиқмай, уй маҳбуслигида яшай-

ди. 1509 йили ўгли Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Астрободда эканлигини эшитгач, Шайбонийхон тарафидан Ҳирот доруғаси (ҳокими) қилиб тайинланган Жон Вафо Мирзодан рухсат олиб, ўғлини кўргани Астрободга борди. Хадича бегим Астрободга етиб борганда, ўгли Музаффар Ҳусайн Мирзо тузалмайдиган касалга мубтало бўлиб, ўлим тўшагида ётарди. Кўп ўтмай — вафот этади. Хадича бегим ўғлининг таъзиясини ўтказгач, яна Ҳиротга қайтиб келади...

## ХОНЗОДА БЕГИМ

Хонзода бегим Умар Шайх Мирзонинг (1456—1494) қизи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг опаси. У 1478 йилда Андижонда туғилган. Унинг онаси — Қутлуғ Нигор хоним Тошкент хони Юнусхоннинг қизи эди.

Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришича, Хонзода бегим дид-фаросатли, ўткир зеҳнли ва ақл-заковат соҳибаси бўлган. Хонзода бегим айни балоғат ёшига етганда отаси Умар Шайх Мирзо тасодифан жардан йиқилиб, оламдан ўтади. Ота тахтига ўтирган 12 ёшли Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг қисматида дарбадарлик даври бошланади. Ёш Бобур Мирзода бо-бокалони Амир Темур тахтини эгаллаш ҳаваси уйғониб, Самарқандга бир неча ҳарбий юришлар қилади. Ниҳоят, 1501 йили Самарқандни қўлга киритишга муваффақ бўлади. Аммо кўп ўтмай Шайбонийхон қўшин тортиб келиб, Самарқандни қамал қилади. Қамал кўпга чўзилиб, шаҳарда даҳшатли очарчилик ва ўлим авжига чиқади. Бобур Мирзонинг кўпгина одамлари шаҳарни ташлаб қочадилар. Бобур Мирзо ниҳоят даражада кучсизланиб, ҳатто қамални ёриб чиқиб кетиш имкониятига қодир бўлмай қолади. Ана шундай оғир вазиятда Шайбонийхон Бобур Мирзога сулҳ таклиф қилади. Кейинчалик ана шу воқеани Бобур Мирзо ўзининг машҳур «Воқеанома» («Бобурнома») асарида қуйидагича тасвирлайди: «Бу маҳалда Шайбонийхон сулҳ сўзини арога сёлди. Агар бир тарафдин умидворлик бўлса эди, ё заҳира бўлса, сулҳ сўзига ким қулоқ солар эди. Зарурат бўлди, сулҳгина қилиб, кечадин икки паҳр бўла ёвушиб эдиким, Шайхзода дарвозасидан чиқилди. Волидам хонимни олиб чиқдим. Яна икки хотин киши чиқди: бири Бичка халифа эди, бири Минглик кў-

талтош эди. Менинг эгачим Хонзода бегим ушбу чиққанда Шайбонийхоннинг илкига тушди».

Аmmo бу воқеа аслида бошқачароқ бўлган. Шайбонийхон Бобур Мирзога сулҳ таклиф қилиши билан бирга, Хонзода бегимни ўзига хотинликка сўраган. Агар Бобур Мирзо шунга розилик берса, у ҳолда ўз ҳарамини Самарқанддан саломат олиб чиқиб кетишига имконият яратиб беражагини айтган.

Бу воқеани Бобур Мирзонинг қизи — Гулбадан бегим, ўзининг «Хумоюннома» номли асарида қуйидагича тасвирлайди: «Ана шундай вақтда Шоҳибек (Шайбонийхон)хон «агар ўз эгачингиз Хонзода бегимни менга хотинликка берсангиз, орамизда сулҳ тузилади ва ҳамжиҳатлик алоқалари ўриштилади»,— деб айтгизиб юборди. Охир Хонзода бегимни ўша хонга бериб, ўзларининг қайтишлари зарур бўлди». Гулбадан бегимнинг бу фикрини «Тарихи Рашидий» асарининг муаллифи — Ҳайдар Мирзо ҳам тасдиқлаб, «унинг қаршилик кўрсатишга ҳеч чораси қолмай, Шайбонийхон билан сулҳ тузиб, ўз эгачисин Хонзода бегимни унга хотинликка берди»,— деб ёзади.

Шундай қилиб, Хонзода бегим Шайбонийхон никогига киради ва ундан бир ўғил кўради. Исмини Хуррамбек деб атайдилар.

Шайбонийхон қатлидан сўнг Хонзода бегим укаси Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳнинг саройи — Кобулга қайтиб келади. Кўп ўтмай ўғли Хуррамбек ҳам вафот этади. Хонзода бегим ўзининг ақл-идроклиги ва тadbиркорлиги натижаси ўлароқ, сарой маликалари орасида юксак эътиборга эга бўлади. Хонзода бегим Бобуршоҳ ва унинг тахт вориси Хумоюн шоҳ саройида маслаҳатчи вазифасини бажарган.

1544 йили Хонзода бегим Кобулҳақ деган жойда оламдан ўтади. Орадан уч ой ўтгач, унинг хокини Кобулга келтириб, Бобуршоҳ мақбарасига дафн қиладилар.

## ГУЛБАДАН БЕГИМ

Гулбадан бегим Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳнинг Дилдор бегим номли хотинидан туғилган учинчи қизидир. Гулбадан бегим 1523 йили Кобулда туғилган. Унинг онаси Дилдор бегимнинг ҳақиқий исми — Солиҳа Султон бегим бўлиб, Заҳириддин Муҳаммад Бо-

бур Мирзонинг амакиси Султон Маҳмуд Мирзонинг қизи эди. Гулбадан бегим отаси Бобур подшоҳнинг фармонига кўра катта онаси, яъни Ҳумоюн Мирзонинг онаси — Моҳим бегим қўлида тарбияланади. Моҳим бегим Бобур подшоҳнинг энг севикли катта хотини, ҳукмдорнинг хотинлари орасида энг оқила ва билимдонни эди. Бинобарин, 1525 йили Гулбадан бегимни Моҳим бегим ўз тарбиясига олади. Гулбадан бегим ҳар иккала онасини ҳам самимий эъвозлаган. У ўз асарида онасини «Дилдор бегим» деб, Моҳим бегимни эса «онам ҳазратлари» деб тилга олади.

Гулбадан бегим 1529 йилгача Кобулда яшайди. Бобур Ҳиндистонни қўлга киритгач, Моҳим бегим билан бирга подшоҳ отасининг ҳузурига — Аграга боради. Отаси Бобур вафотидан сўнг, акаси Ҳумоюн подшоҳ саройида яшайди. 1539 йилда Гулбадан бегимни Ҳизр Хўжахонга турмушга чиқарадилар. У бир ўғил кўради, исмини Саодатёр деб атайдилар. 1556 йили Ҳумоюн подшоҳ вафотидан сўнг салтанат тахтига унинг ўғли Жалолоддин Акбаршоҳ (1542—1605) ўтиргач, шоҳнинг онаси Ҳамида бону билан Гулбадан бегим саройга — Деҳлига қайтиб келадилар. Ана шундан сўнг, Гулбадан бегим то умрининг охиригача жияни Акбар подшоҳ саройида яшайди.

Гулбадан бегим ўз замонасининг оқила, донишманд аёлларидан эди. У жияни Жалолоддин Акбар подшоҳнинг «Фирдавс макон ва жаннат ошён Ҳазрат ҳақидаги воқеалардан нимаики билсангиз, ёзингиз»,— деган ишорасига мувофиқ, «Ҳумоюннома» номли ажойиб ва муҳим тарихий асарини ёзишга киришади. «Ҳумоюннома» Бобур подшоҳ билан Ҳумоюн подшоҳнинг ҳаёт тарзи ва саргузаштларининг мухтасар тарихи бўлиб, мантиқан «Бобурнома»нинг давомидир. Бу асарнинг муҳимлиги яна шундаки, «Бобурнома» асаридаги айрим воқеаларнинг келиб чиқиш сабаблари мукамал очиб берилади.

Гулбадан бегим ўз асарида сарой аҳлининг ҳаёт тарзи, шунингдек, тарихий асарларда учрамайдиган Бобур подшоҳ хонадонининг нозик хусусиятлари, оилавий шароитлари, тўй ва аза билан боғлиқ удумлар, уй-рўзгор асбоблари, кийим-кечак турлари каби жиҳозлар ҳақида муфассал ҳикоя қилади. Аммо, афсуски, асарнинг охириги қисми ўша замоннинг суронли йилларида йўқолиб кетган.

Мир Маҳди Мирзонинг «Тазкират ул-ҳавотин» аса-



рида келтирилган «Севгисиз ҳаётда маъно йўқ» мазмунидаги икки байтига қараганда, Гулбадан бегимнинг газалиётдан ҳам хабари бўлган.

«Акбарнома» асарининг муаллифи Абул Фазлнинг берган маълумотига қараганда, 1575 йилда Гулбадан бегим Каъбатулло зиёратига жунаб кетади ва 1582 йилда кўп қийинчиликлар билан зиёратгоҳдан қайтиб келади. Абул Фазлнинг ёзишича, Гулбадан бегим 1603 йилда 80 ёшида вафот этади. Акбар подшоҳ уни катта ҳурмат ва эҳтиром билан дафи этдиради. Акбар подшоҳнинг ўзи Гулбадан бегим тобутини ўғил сифатида кўтариб, дафи маросимида ўғиллик бурчини эътимомига отказади.

### НУРЖАҲОН БЕГИМ

Нуржаҳон бегим Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Бобурий шаҳзодалардан учинчиси — Жаҳонгиршоҳ (Салим, 1569—1627)нинг иккинчи хотинидир.

Тарихий манбаларнинг берган маълумотига кўра, Нуржаҳон бегимнинг ҳақиқий исми Меҳринисо бўлиб, асли келиб чиқиши Эрондан эди. Унинг ота-онаси йўқчилик оқибатида ўз ватанидан Ҳиндистонга кўчиб келиб, Акбар подшоҳ саройида хизматга ёлланади.

Қушлардан бир кун шаҳзода Салим (кейинчалик Жаҳонгир подшоҳ) Меҳринисони бозорда кўриб қолади ва унга ошуфта бўлиб, фироқида уртанади. Бу даврда Меҳринисо балоғат ёшига етган сарв қомат, ун тўрт кунлик ойдек қиз эди. Шаҳзода Салим Меҳринисо ишиқида кўйиб, ҳаловатини йўқотади. Ниҳоят, унга уйланишга қарор қилади. У ўз қарорини отаси Акбаршоҳга (1542—1605) айтиб, ундан ижозат сўрайди. Акбаршоҳ эса ўз ўглининг бу қизга уйланишига қатъиян қаршилик кўрсатади. Акбаршоҳ ўглининг кўнглини совутмоқ учун Меҳринисони сарой аъёнларидан бири — Али Қули Истажлий (Шерафкан)га турмушга чиқишга мажбур қилади. Шерафкан Меҳринисога уйлангач, уни қушнларга сардор этиб Бенгалияга кўчириб юборади.

1605 йилда Акбаршоҳ вафот этади. Тахтга унинг валнаҳд ўғли шаҳзода Салим ўтиради ва ўзини Жаҳонгиршоҳ деб атаydi. Тақдир тақозосини қарангки, 1611 йилда Шерафканхон Бенгалия ҳокими Қутбиддиннинг қабулига кирганида муҳим масала устида ҳоким

билан жанжаллашиб қолади ва уни пичоқлаб ўлдирди. Фожиа устига етиб келган соқчилар Шерафканхонни ҳам ўлдирдилар. Шундан сўнг бева қолган Меҳринисони Аграга — Жаҳонгиршоҳ саройига жўнатдилар. Шу воқеадан бир неча муддат ўтган, Жаҳонгиршоҳ Меҳринисони ўз никоҳига олади.

«Мунтахаб ут-таворих» асарининг муаллифи Ҳакимхон тура Меҳринисонинг Жаҳонгиршоҳ никоҳига кириши ҳақида олдиндан башират қилинган бир қизиқ туш тафсилотини келтиради. Гуё Меҳринисо тушларнинг бирида туш кўради. Тушида осмондан қуёш тушиб келиб, кўрпаси ичига киради. Шунда уйғониб кетади ва кўрган тушини эри Шерафканхонга сўзлаб, ундан таъбирини суради. Шерафканхон туш таъбири бўйича билимдон бўлгани туфайли, дарҳол хотинининг тушига қуйидагича таъбир айтади: «Сенинг тушагингга подшоҳ кирар экан».

Меҳринисо ўз гўзаллиги, зийраклиги, фаросатли ва тадбиркорлиги туфайли фақат Жаҳонгиршоҳнигина эмас, балки сарой аҳлини ҳам ўзига ром қилади. Эндilikда уни Меҳринисо эмас, Нурмаҳал (саройнинг нури) деб атайдилар. Кейинчалик эса жаҳоннинг нури, яъни Нуржаҳон деб атайдилар. Нуржаҳон бегим позик таъб шоира ҳам эди. У Махфий таҳаллуси билан ғазаллар битган. Жаҳонгиршоҳ салтанатида Нуржаҳоннинг отаси Эътимод-уд Давла номи билан бош вазирлик лавозимига кўтарилган. Унинг ўғли, яъни Нуржаҳон бегимнинг акаси Осафхон эса сарой бошқарувчиси мансабида қойим бўлган.

Нуржаҳон бегим Жаҳонгиршоҳ салтанатида доно маслаҳатчи эди. Нуржаҳон бегим мамлакатнинг ижтимоий, маданий ҳаётига доир кўпгина эзгу тадбирларни бажарган. У ихтирочи ҳам эди, чунончи, гулоб ва «атри Жаҳонгирий»ни кашф этган. Шу билан бирга, бир неча хил хуш таъм, лазиз таомлару хона безакларини яратди. Сарой аъёнлари орасида унинг ҳурмат-эътибори кун сайин ошиб борарди. Тарихий манбаларнинг берган хабарига кўра, Жаҳонгиршоҳ суюкли хотини Нуржаҳон бегим шарафига «Нури Жаҳоний» деб аталган 12 граммли олтин танга зарб эттирган.

«Мунтахаб ут-таворих» муаллифи Нуржаҳон бегимнинг шоҳ билан қилган мушоираларидан (Жаҳонгиршоҳ ҳам ғазаллар битган) бир нечасини кўрсатиб ўтган. Бу шеърларни ўқиган киши Нуржаҳон бегим замо-

жасининг истеъдодли шоираси булганлигига шубҳа қилмайди. Ҳазаллардан бири қуйидагидир:

Ҳадиси ҳоли ту дар нома сабт мекардам,  
Сикандвор пуқат бар сари суҳан месўхт.  
Шаҳиди ишқи туро шаб ба хоб меидам,  
Ки ҳамчу шуълайи фонус дар кафан месўхт.  
Зи сўзи синайи Махфий шуд он қадар маълум,  
Ки ҳамчу хас, мижааш дар гиристон месўхт.

Мазмуни: Сенинг номайи аъмолигини ёзарканман, сўз устидаги нуқталар исириқ доналаридек ёнарди. Ишқингда шаҳид булганларни кечалари тушимда кўрардим. Улар худди фонус шуъласидек, ўз кафанлари ичида ёнардилар. Махфий қалбининг ёниши шу қадар эдики, йиғлаганда киприклари худди хасдек ёнарди.

Сўнгги вақтларда Жаҳонгиршоҳ бот-бот касал бўлиб, давлат ишларига қарамай қўяди. Ана шундай пайтларда Нуржаҳон бегим салтанат ишларини бошқариб туради. Нуржаҳон бегимнинг салтанат ишларидаги фаолияти ва унинг тутган мавқеи Жаҳонгиршоҳнинг ўғилларига, айниқса шаҳзода Хуррам (Шаҳобиддин Шоҳ Жаҳон)га ёқмасди.

Жаҳонгиршоҳ саломатлиги ёмонлаша бошлагач, 1616 йилда шаҳзода Парвез (Жаҳонгиршоҳнинг иккинчи ўғли)ни тахтга валиаҳд этиб тайинлайди. Жаҳонгиршоҳнинг тўртинчи ўғли шаҳзода Шаҳриёр иродасиз ва қатиятсиз киши эди. Нуржаҳон бегим қўғирчоқ сифат шаҳзода Шаҳриёрни тахтга валиаҳд этиш мақсадида ўзининг авалги эри Шерафкандан булган қизи — Лодила бегимни шаҳзода Шаҳриёрга никоҳлаб беради. Жаҳонгиршоҳнинг учинчи ўғли шаҳзода Хуррам (Шоҳ Жаҳон) 1612 йилда 21 ёшида Нуржаҳон бегимнинг акаси Осафхоннинг 19 ёшли қизи Аржуманд бонуга уйланган эди. Бинобарин, Осафхоннинг мақсади, ўз кўнги шаҳзода Хуррамни валиаҳдликка тайинлатиш эди.

Шаҳзода Хуррам ўз отаси Жаҳонгиршоҳдан ҳам, валиаҳд акаси шаҳзода Парвездан ҳам, укаси шаҳзода Шаҳриёр ва унинг хомийси малика Нуржаҳон бегимдан ҳам хафа эди. Отасидан сўнг тахтга ўтиришга ҳаракат қиларкан, бу йўлда асосий ғов деб Нуржаҳон бегимни биларди. 1622 йилда Нуржаҳон бегимнинг отаси вазир Эътимод-уд Давлат вафот этгач, Нуржаҳон бегим билан шаҳзода Хуррам орасида аёвсиз зиддият кучайди. Бу даврда касалманд Жаҳонгиршоҳ салтанат

ишларига қарамай қўйган, бинобарин, давлатни бошқариш асосан Нуржаҳон бегим қўлида қолган эди.

Шаҳзода Хуррам ўз келажаги ҳақида тараддуланиб, 1622 йилда отаси Жаҳонгиршоҳ томонидан ўз қармоғига топширилган ногирон (кўр қилинган) акаси — шаҳзода Хусравни пинҳона бўғиб ўлдиртиради, отаси Жаҳонгиршоҳга эса «санчиқ азобидан вафот этди», деб хабар юборади. Шу зайдда сарой ичида гуруҳбозлик авж олиб, кундан-кун салтанатдан путур кета бошлайди. Ана шундай қулай вазиятни кўпдан бери кутиб турган Эрон ҳукмдори Шоҳ Аббос тўсатдан Қандаҳорни қамал қилади ва қирқ кунлик қамалдан сўнг шаҳарни қўлга киритади. Жаҳонгиршоҳ шаҳарни қайтариб олиш мақсадида шаҳзода Хуррам бошчилигида катта қўшин тўплаб, Қандаҳорга юбормоқчи бўлади. Лекин шаҳзода Хуррам саройдаги нотинч вазиятда тахтдан узоклашишни истамай, Қандаҳорга боришдан воз кечади ва тез кунда отаси Жаҳонгиршоҳга қарши қўзғолон кўтаради. Қўзғолон бостирилади. Аммо саройдаги гуруҳбозлик, махфий фитналар мамлакатнинг ички ва ташқи мавқенга салбий таъсир кўрсатади.

Салтанатни вақтинча Нуржаҳон бегим бошқарарди. У ўз ниятларини амалга ошириш мақсадида Жаҳонгиршоҳга содиқ лашкарбоши Маҳобатхонни саройдан четлатиб, Бенгалияга жўнатади ва мол-мулкни рўйхатга олдирарди. Бундан норози бўлган Маҳобатхон салтанатга қарши бош кўтаради. Шу воқеадан сал вақт ўтгач, Жаҳонгиршоҳ Нуржаҳон бегим билан бирга пойтахтдан Қобулга қараб сафарга чиқади. Маҳобатхон ражпутли қўшини билан йўлга чиқиб, Шоҳ қофиласини (карвон) ураб олади. Маҳобатхоннинг барча шарглари Жаҳонгиршоҳ тарафидан ночор қабул қилинади. Нуржаҳон бегим Маҳобатхонга қаршилик курсатмоқчи бўлади, лекин кучлар тенг эмаслигига кўзи етгач, макр-хийла йўлини қидиради. Шоҳ карвоини Маҳобатхон назорати остида Қобулга қараб йўл олади. Қобулга кирилгач, Нуржаҳон бегим Жаҳонгиршоҳни Маҳобатхон соқчилари қўлидан қутқариб олади ва Қобул қўшинини Маҳобатхонга қарши қўяди. Энди Маҳобатхон учун қочибдан бошқа чора қолмайди. У Қобулдан қочиб Деканга боради ва шаҳзода Хуррамга қўшилади.

Аммо бу вақтда шаҳзода Хуррамнинг аҳволи оғирлашиб, Эронга қочиб ўтиш фикрида юрарди. Бироқ, 1626 йил октябр ойида акаси валиаҳд шаҳзода Парвезнинг тўсатдан вафот этиши унинг сўнги умидларини

ни яна жонлантириб юборади. 1627 йили Жаҳонгиршоҳ Кашмир буйлаб саёҳатга чиқади. Саёҳатдан қайтаётиб, хасталаниб йўлда вафот этади ва Лоҳурда дафн этилади. Бу хабарни эшитган шаҳзода Хуррам тахтни эгаллаш учун Декандан Аграга йўл олади.

Шаҳзода Хуррам Аграга етиб келгунга қадар унинг қайнотаси Осафхон муваққат равишда марҳум шаҳзода Хусравнинг ўғли Довар Бахшни тахтга утқазади. Шаҳзода Шаҳриёрни ушлатиб, кўзига мил торттириб, кўр қилади. Куёви шаҳзода Хуррамнинг Аграга яқинлашгани хабарини эшитган Осафхон тахт соҳиби қўғирчоқ Довар Бахшнинг турли-туман вас-васалар билан қўрқитиб, тахтдан воз кечини ва ўзини панага олишини маслаҳат беради. Довар Бахш тахтни ташлаб кочади ва Эрон шоҳи ҳузурига паноҳ истаб боради.

Шаҳзода Хуррам 1628 йил феврал ойида Аграга кириб, айтарлик қаршиликсиз тахтга ўтиради. У салтанатни ўз тасарруфига киритгач, ўзини «Шоҳ Жаҳон» номи билан аташини буюради.

Ниятларига ета олмаган малика Нуржаҳон бегим 1645 йилда вафот этади ва қабри Лоҳурнинг Шоҳ Дара қабристонига қўйилади. «Тазкират ул-ҳавотин»да ёзилишича, Нуржаҳон бегимнинг қабр тошига ўзи битган куйидаги байт ёзилган экан:

Бар мазори мо ғарибон  
на чароги, на гули,  
на пар парвопа ёби,  
на садойи булбули.

Мазмуни:

Биз ғарибларнинг мазоримизда,  
на чироқ, на гул, на булбул садосию,  
на бирор парвопани топмайсан.

## АРЖУМАНД БОНУ

Аржуманд Бону тахминан 1594 йилда Маншадда туғилган. У асли эронлик булиб, бобоси ва ота-онаси камбағаллик юзасидан Ҳиндистонга кўчиб келиб, Акбаршоҳ мулозиматига хизматга қиради. 1611 йилда Аржуманд бонунинг аммаси Нуржаҳон (Меҳринисо) Жаҳонгиршоҳга турмушга чиққач, Аржуманд бонунинг бобоси Эъгимод-уд Давла бош вазирлик мансабига, отаси Эътиқодхон (Осафхон) эса сарой бошқарувчиси

лавозимига кўтарилади. 1613 йили 19 ёшли Аржуманд бону 21 ёшли шаҳзода Хуррамга (Шоҳ Жаҳон) турмушга чиқади. Ўткир ақл-идрок ва дид-фаросат соҳибаси бўлган Аржуманд бону тез кунда тадбиркорлиги, позик табиати, иффати ва тенгсиз ҳусн-латофати билан сарой аъёнлари ўртасида катта эътибор қозонади. Хусусан, Жаҳонгиршоҳ Аржуманд бонунини ниҳоятда эъзозларди. Чунки Жаҳонгиршоҳ билан шаҳзода Хуррам ораларида вужудга келган айрим келишмовчиликларни Аржуманд бону ҳал қилишга киришар ва бу ишнинг уддасидан чиқарди. Табиийки, бундай эзгу хизматлари эвазига ҳар икки томоннинг илтифотиغا сазовор бўлади. Шунинг учун бўлса керак, кўп ўтмай саройда Аржуманд бону — Мумтоз Маҳал бегим (саройнинг кўрки) дея атала бошланди. Аржуманд бонуга берилган ушбу ном унга шон-шухрат келтириб жаҳонга машҳур қилди ва номи тарих саҳифаларига кўчди.

1628 йил февралда эри Шоҳ Жаҳон тахтга ўтиргач, ёш малика Мумтоз Маҳал бегим салтанат ишларида унга ёрдамлашиб, режалик маслаҳатлари билан ҳукмдорни тўғри йўлга бошлади. Саройда у маслаҳатчи ва муҳрдорлик лавозимида эди.

Мумтоз Маҳал бегим яхши кунларда ҳам, оғир дамларда ҳам, ҳарбий сафарларда ҳам эрига вафодор ёр, содиқ ҳамроҳ ва жафокаш ҳамдари бўлди. У қисқа умри давомида 14 нафар фарзанд кўрди. «Тазкират ул-ҳавотин» асарида ёзилишича, Мумтоз Маҳал бегимнинг дунёда қолдирган фарзандлари саккиз нафар — тўрт қиз, тўрт ўғил бўлиб, қолган олти нафари ёшлигида нобуд бўлган. Унинг ўғиллари Доро Шукӯҳ (1616—1659), Шоҳ Шужоъ (1617—1661), Аврангзеб (1618—1707), Мурод Бахш (1621—1658), қизлари — Жаҳон Оро бегим, Анжуман Оро бегим, Даҳр Оро бегим ва Кити Оро бегимдир.

Малика Мумтоз Маҳал бегим Шоҳ Жаҳон ҳукмронлигининг тўртинчи йили, яъни 1631 йил 17 июн чоршанба кунини навбатдаги сафар чоғида, Бурҳонпурда 14-инчи фарзандини туғиш пайтида 38 ёшида вафот этди. Мумтоз Маҳал бегим ҳаёт билан видолашаркан, эри Шоҳ Жаҳондан фарзандларига меҳрибон бўлишни, бундан буён бошқа уйланмасликни ва ниҳоят, унга атаб, дунёда тенги йўқ улуғвор, ҳашаматли мақбара бунёд эттиришни илтимос қилди.

Мумтоз Маҳал бегим ўлим олдидан ўз болаларини билан видолашаркан, Шоҳ Жаҳоннинг аҳволидан ха-

бардор бўлиб, унга ғамхўрлик қилиб туришни ўзининг катта қизи — Жаҳон Оро бегим зиммасига юклайди.

Шоҳ Жаҳон севикли рафиқаси Мумтоз Маҳал бегимнинг васиятларига тула амал қилади. Зотан, у кейинги 36 йиллик умри давомида уйлашмай ўтади. Мулис ва вафодор рафиқасининг номини абадийлаштириш мақсадида, унга атаб ялтироқ оқ мраммардан ҳашаматли мақбара қурдиради. Агра шаҳридаги улкан мақбаранинг қурилишига йигирма минг мутахассис уста ва ишчилар жалб қилиниб, 18 йилда қуриб битказилди. Бу улуғвор обида — «севги ва вафо» қасрининг қурилишига 40 миллион рупия маблағ сарфланган.

Мақбара қуриб битказилгач, марҳума Мумтоз Маҳал бегимнинг хокини кучириб келтириб дафн этишди. Ушбу улуғвор ҳашаматли мақбарани Мумтоз Маҳал бегим бошига кийдирилган тож рамзида «Тож Маҳал» деб атадилар.

### ЖАҲОН ОРО БЕГИМ

Жаҳон Оро бегим Шоҳ Жаҳоннинг катта қизи. У 1614 йилда туғилган. Шоҳ Жаҳоннинг тахтга ўтириш маросимида Жаҳон Оро бегим 14 ёшда эди. Отаси унга 40 минг дона ёқут жавоҳир инъом этиб, яна йилига 600 минг рупия миқдоридан нафақа белгилаган эди.

Отаси Мумтоз Маҳал бегим вафот этган чоғда Жаҳон Оро бегим ун етти ёшда эди. Бинобарин, онасининг васиятига кўра, шоҳ оиласини бошқариш унинг зиммасига тушди. Жаҳон Оро бегимнинг жисми исмига монанд бўлиб, ҳусн-латофатда, ақл-идрокда ва илму одобда табиат унга сахийлик қилган эди. Боз устига, яхшигина ғазаллар битарди. Шоҳ Жаҳон бу қизига алоҳида меҳр ила қарарди. У Мумтоз бегимдан қолган барча бойлик ва мулкларни шу қизига топширади.

Оқила Жаҳон Оро бегим оилада ака-укалар ўртасидаги келишмовчилик, ҳатто отаси билан укаси Аврангзеб ораларида келиб чиқадиган можароларни усталик билан бартараф қилишга моҳир эди. Унинг саройда обрў-эътибори орта бориб, аста-секин онаси Мумтоз Маҳал бегимнинг мавқеини эгаллай бошлади. Зотан, Жаҳон Оро бегим салтанат ишларини бошқариш, ички ва ташқи сиёсат, дипломатия масалаларида отасига фойдали маслаҳатлари билан ёрдамлашар эди. Унда бобекалонин Бобуршоҳга ўхшаш меъморчилик ва

ободончилик ишларига қизиқиш ва ҳавас катта эди. Бинобарин, Аграда қурилган жомеъ масжидининг тар- хи (лойиҳа) Жаҳон Оро бегимнинг қаламига мансуб- дир. У Деҳли, Сураат, Амбола, Беҳал ва Панипат шаҳар- ларида карвонсаройлар қурдирди, Лоҳурда эса ором- бахш катта боғ бунёд эттирди. Жаҳон Оро бегим мам- лакатдаги ғариб-ғурабо ва фақирларга моддий ёрдам уюштириб, камбағаллар учун уй-жойлар қурдирди. Шунингдек, Кашмирда «Пари Маҳал» (Парилар са- ройи) номли ажойиб боғ барпо қилди, Шаҳдхонободда Алимардонхон ариғини қаздириб, нақшкор ҳовуз қур- дирди. Жаҳон Оро бегимнинг илм-фан бобида ҳам қалам тебратгани тарихдан маълум. Чунончи «Рисолайи со- хибия» (Дустлик ҳақида рисола) асари мавжуд.

1658 йили тахт талашган Аврангзеб Оламгир ўз ака- си Доро Шукуҳни мағлубиятга учратиб, укаси Мурод Бахшни зиндонга ташлайди. Бемор, хаста отаси Шоҳ Жаҳонни ҳибсга олиб, Аградаги «Қизил қалъа» номли саройда назоратда сақлайди. Укаси Аврангзебнинг хат- ти-ҳаракатларидан норози бўлган Жаҳон Оро бегим мамлакатни ака-укалар ўртасида тақсимлашни, жум- ладан Доро Шукуҳга — Панжобни, Мурод Бахшга — Гужаротни, Шоҳ Шужоъга — Банголни, Аврангзебнинг катта ўғли (зиндонда эди) Муҳаммад Султонга — Де- канни бўлиб беришни маслаҳат беради. Аммо, Авранг- зеб бу таклифни қабул қилмайди.

Ота-бола, ака-укалар ва дўстлар орасига тушган низо ва уларнинг фожиали қисмати Жаҳон Оро бегим- ни қаттиқ изтиробга солади. Дилхаста малика дунё ишларидан қўл ювиб, маҳбусликда кун кечириётган хаста отасига хизмат қилиш билан ўзига таскин беради. У 1658 йилдан то 1666 йилгача «Қизил қалъа қасрида маҳбусликда ётган отаси Шоҳ Жаҳоннинг хизматида бўлади. 1666 йилда Шоҳ Жаҳон маҳбусликда, ғарибона аянчли аҳволда, ўз севиқли ёри Мумтоз Маҳал учун қурдирган Тож Маҳал мақбарасидан кўз узолмай, қизи Жаҳон Оро бегим қўлида ҳаётдан кўз юмди.

Жаҳон Оро бегим гарчи шоҳ қизи бўлса-да, табиа- тан камтар ва олий ҳимматлилиги туфайли бойлик ҳамда шон-шуҳратларга қизиқмаган. У 1681 йилда олт- миш етти ёшида вафот этди. Уни Деҳлидаги Зарзари Бахш қабристонига дафн этадилар. Ҳар ҳолда, ўзи- нинг васиятига мувофиқ бўлса керак, қабрига қўйил- ган оддий қабр тошига шундай байт ёзилган:



Ба ғайри сабаз наушад касе мазори маро,  
Ки қабрпуши ғарибон ҳамин гиёҳ бас аст.

Мазмуни: «Яшил майсадан ўзга ҳеч ким қабримни  
ётмасин, токи ғариблар қабрини ёпмоқ учун шу гиёҳ-  
нинг ўзи кифоядир».

### ЗЕБУННИСО БЕГИМ

Зебуннисо бегим Заҳириддин Муҳаммад Бобур под-  
шоҳнинг панневараси Абу Зафар Муҳийиддин Муҳам-  
мад Аврангзеб (тахтбеаги) Оламғирнинг қизи. Унинг  
онаси Дилрасбону Шоҳнавозхонининг қизи бўлиб, Бо-  
бурнинг Гулбадан бегим исмли қизига бориб туташа-  
ди. Зебуннисо бегим (1048 ҳижрий йил шаввол ойи)  
1639 йил милодий, феврал ойида Деҳлида туғилган.

Унинг отаси Аврангзеб (1618—1707) ёшлигиданоқ  
диндорлиги билан ном чиқарган эди. У риёкорлик билан  
«умримни нбодатда ўтказмоқ учун Маккага бориб, бу  
дунё ишларидан қўл юваман», деб юрар ва оддий халқ-  
қа ўзини авлиё қилиб кўрсатарди. У отаси Шоҳ Жаҳон  
(шаҳзода Хуррам) қўл остидаги Декан вилоятининг  
ҳокими эди. Аммо Шоҳ Жаҳонга қарши бир неча мар-  
та исёнлар кўтаради. Ниҳоят, 1657 йилда, отаси Шоҳ  
Жаҳоннинг касаллигидан фойдаланиб, катта акаси До-  
ро Шукуҳни ҳокимиятдан азл қилмоқ учун кичик ака-  
си Шоҳ Шужоъ ва укаси Мурод Бахшлар билан ит-  
тифоқ тузади. 1658 йилда акаси Доро Шукуҳни асир-  
га олгач, отаси Шоҳ Жаҳонни ҳам тахтдан тушириб,  
қасрда маҳбусликда сақлайди. Кўп ўтмай укаси Му-  
род Бахшни ҳам ушлаб зиндонга ташлайди ва ўша ер-  
да бўғиб ўлдиртиради. Кичик акаси Шоҳ Шужоъ дар-  
бадарликда Бирма тупроғига ўтиб, ўша ерда бутун ои-  
ла аъзолари билан бирга қароқчилар қўлида ўлиб ке-  
тади. Катта акаси Доро Шукуҳни динсизликда айб-  
лаб, зиндондан олиб чиқади ва шаҳар майдонида бошини  
кестиради. Уша куниёқ Доро Шукуҳнинг кесилган бо-  
шини лаганга солиб маҳбусликда ётган касал отаси  
Шоҳ Жаҳон олдига киритади. Шоҳ Жаҳон эса маҳбус-  
ликда саккиз йил йиғлаб-йиғлаб кузи кўр бўлиб, олам-  
дан ўтади.

Аврангзеб Қуръонни ёд билар, талайгина шеърларни  
ёддан ўқир, ўзи ҳам шеър ёзарди. Аммо қаттиққўл,  
бировнинг ҳақидан хазар қилмайдиган, қон тўкишни

оддий бир зарурат деб билувчи тошбағир бир киши эди. У қирқ тўққиз йил ҳукмронлик қилиб, 1707 йилда 89 ёшида Аҳмадобод шаҳрида вафот этади. Аврангзеб кўп йиллик ҳукмронлик даврида ота-боболарига ўхшаб меъморлик, адабиёт ва санъатнинг ривожини учун қайғурмади.

«Тазкират ул-ҳавотун»да айтилишича, Аврангзебнинг беш ўғли ва беш қизи бўлган. Уғиллари: Муҳаммад Султон, Муаззам Шоҳ (кейинчалик Баҳодир Шоҳ), Аъзам Шоҳ, Муҳаммад, Амин Ком Бахш; қизлари — Бадринисо бегим, Зебуннисо бегим, Зийнатинисо бегим, Зубдатинисо бегим ва Меҳринисо бегимлардир.

Зебуннисо бегим ўз замонасининг фозила аёлларидан Ҳафиза Марям Бону қўлида савод чиқарган. Отаси Зебуннисонинг шоирлик истеъдодини пайқаб, унга ўз даврининг етук олимларидан Мулло Муҳаммад Ашраф Исфаҳоний ва Мулло Жевонни муаллим қилиб тайинлади. Зебуннисо бегим забардаст шоира, етук оlima, уста танбур чертувчи созанда ва моҳир хаттот бўлиб етишди. Араб-форс тилларининг сарфу наҳв (морфология ва синтаксис)ини, фикҳ (қонуншунослик), мантиқ, фалсафа, тарих фанларини пухта ўзлаштиради. У наставлиқ, насҳ ва шикаста хатларини зўр маҳорат ила битган. Қуръонни бир неча маротаба ҳуснихатда кўчирган ва ёддан қироат билан ўқиган. Зебуннисо бегим араб ва форс тиллари сарфу наҳвини эгаллаб, шу тилларда ҳам ижод қилди.

Зебуннисо бегим олимларга, шоирларга ва санъат аҳлларига ҳомийлик кўрсатиб, уларга маош тўлаб турган. «Олами Ислому» тазкирасидаги «Зебуннисо бегим отаси ҳукмдорлик билан қозонолмаган шухратни илм ва одоб билан қозонган» жумлалари фикримизни тасдиқлайди.

Зебуннисо бегим бир қатор шоғирдпешаларни илм-маърифат, одоб ва ғазалиёт бобида тарбиялаб, камолотга етказган, Шарқнинг машҳур шоири Мирзо Абдуқодир Бедил ўз қизини Зебуннисо бегим тарбиясига топширган. Натижада у шоирлик даражасигача етишган. «Мунтахаб ат-таворих» ва бошқа асарлардаги байт Мирзо Бедил қизига нисбат берилган:

Ерам маро баҳонайи танҳо нишонду рафт,  
Гуфтам, ки ман губорам, домаи фишонду рафт.

Мазмуни: Ерм мени ёлғиз ташлади-ю, кетди, ҳатто йўлингда губорнингман десам ҳам этагини қоқди-ю кетди.

1922 йилда чоп этилган «Кобул» журналининг 10-сонида Зебуннисо бегим ҳақида шундай маълумот учрайди: «Зебуннисо бегимнинг чиройли бир девони бўлган. Яна тасаввуф фалсафасига оид «Мунис ул-арвоҳ» асари ҳам бор. Тафсир соҳасида 769 varaқли «Зеб аттафсир» («Гўзал тафсирлар»)ни ёзди. Бундан ташқари илоҳиётга доир «Зеб ан-нашаот» номли асар ёзиб, уни устози хотирасига бағишлади. Ҳиндистон мусулмонлари орасида дастуруламал бўлиб қолган «Фатавойи оламгирий» («Шариат қонунлари мажмуаси») асарини форс тилига таржима ҳам қилдирди». Кўриниб турибдики, Зебуннисо бегим ўз замонасининг оқила ва зукко қизи, ўша муҳитнинг баркамол зиёлиси эди.

У отаси шоҳ Аврангзеб Оламгирнинг яқин маслаҳатчиси эди. Лекин Зебуннисо бегим маслаҳатларининг ҳаммаси ҳам шоҳга маъқул бўлавермаган. Айниқса, адолат ва маърифат бўйича берган маслаҳатлари, эркин фикрлари шоҳга ёқмаган.

Зукко олима, ҳассос шоира бўлиши гўзаллар гўзали Зебуннисо бегимга умр йўлдоши бўлиши истаган кишиларнинг сон-саногини бўлмаган. Бироқ, Зебуннисо бегим уларнинг ҳеч бирини ўзига муносиб топмаган. Зеро, Зебуннисо бегимга илҳақ бўлганларнинг аксари шаҳзодалар, амирзодалар, бекзодалар ва йирик мулкдорлар эди. Ўз замонасининг шоирларидан ҳам Зебуннисо бегимга ёстиқдош бўлишга орзумандлар кўп бўлган.

Кўнгина тарихий асарларнинг гувоҳлик беришича, Зебуннисо бегим ёшлигида Оқилхон Розий исмли шоиртабиат бир йиғитга кўнғил қўяди. Оқилхон Розий ҳам Зебуннисо бегимга ишқий мисралар йўллаб турган. Шоҳ Аврангзеб ошиқ-маъшукнинг махфий учрашувларидан хабар топгач, уларни таъқиб остига олади. Ривоятлардан бирида айтилишича, кўнлардан бир кун Зебуннисо бегим билан Оқилхон Розий боғда учрашиб турганларида боққа шоҳ Аврангзеб кириб келади. Дарҳол ошиқ-маъшуклар ўзларини панага оладилар. Оқилхон шоҳнинг ғазабидан чўчиб, беркиниш учун бирор панароқ жой излайди. Иттифоқо, боғнинг бир четидаги катта зиёфатлар учун қазилган ерда ўчоққа ўрнатилган катта дош қозон мис қопқоғи билан турарди. Оқилхон ана шу қозон ичига тушиб олиб, устидан қопқоғини ёпиб

олади. Албатта, унинг бу шошилини ҳаракати шоҳ Аврангзебнинг назаридан четда қолмайди. Шоҳ Аврангзеб қизи Зебуннисо бегимга боғдан чиқиб кетиш ҳақида амр қилгач, тўғри юриб келиб, дош қозон қопқоғи устига чиқади ва баковулни чақириб, ўчоққа олов ёқишни буюради. Учоққа олов ёқилгач, қозон қизийди. Қопқоқ остидан жизганақ ҳид билан тутун чиқади-ю, аммо ҳеч қандай нидо эшитилмайди. Аврангзеб қопқоқдан тушиб, баковулга қозон қопқоғини очиниши буюради. Қопқоқ очилганда қозон ичида ярим қорайган Оқилхоннинг жасади кўринади...

Бенгал классик адабиётининг билимдони ва ҳозирги замон бенгал адабий тилини яратувчиларидан бири Бонкимчондор Чоттонадхайнинг (1838—1894) «Радж Сингх» номли тарихий романида Зебуннисо бегимнинг севган маҳбуби Оқилхон Розий — Муборак Али номи билан талқин қилинади. Муаллифнинг ҳикоя қилишича, Муборак Алининг Зебуннисо бегимни яхши кўриши ва усиз яшайолмаслигини ўз оғзидан эшитган шоҳ Аврангзеб Муборак Алини ушлатиб, махсус жазога мустаҳқиқ қилади. Муборак Али олдига куз ойнакли илон (кобра) солинган иккита темир қафасни келтириб қўядилар. Муборак Али бу жазонинг тартибларини аввалдан биларди. Чунончи, бу даҳшатли жазодан қутулишнинг чораси йўқлигига ишончи комил бўлгани туфайли, ўлимни бўйнига олиб, дарҳол этикни ечиб, оёғини қафасга яқинлаштиради. Ғазабланган илон яшин тезлигида оёқни тишлайди. Муборак Али даҳшатли оғриқдан ниграб, жаллодга боқади. Жаллод илон захрининг зўрлигидан юзлари кўкара бошлаган Муборак Алига қараб, иккинчи қафасга ишора қилади. Қондага мувофиқ, биринчи қафасдаги илон чаққан оёқни иккинчи қафасдаги илонга ҳам чақдириш лозим эди. Бундан мақсад, биринчи қафасдаги илон яхши чақа олмаган бўлса ёки етарли даражада захари бўлмаган бўлса, иккинчи қафасдаги илон меъёрига етказарди. Бинобарин, Муборак Али яраланган оёғини иккинчи қафасга тегизади. Шу лаҳзада илон чақиб, ҳушдан кетади ва оламдан ўтади.

«Тазкирати шоироти урду»да нақл қилинишича, Оқилхон Розийни қатл қилаётганларида, у қуйидаги газални ўқиган экан:

Баъдаз мурдан эн жафойи ту агар ёд кунам,  
Аз кафан даст берун орам ва фарёд кунам.

Мазмуни: Агар сенинг жафоларингни эсласам, ўлганимдан кейин ҳам кафандан қўлимни чиқариб, фарёд чекаман.

Юқоридаги ривоятлардан кўриниб турибдики, Зебуннисо бегимнинг ҳар ҳолда севган кишиси бўлган. Аммо шоҳ Аврангзеб бу йигитни ўзига куёв қилишдан ор қилиб, унинг бўйнига тухмат тошини осиб, қатл қилдирган.

Оқилхоннинг ўлиmidан сўнг, Зебуннисо бегим қалбида янги ёр учун ўрин қолмайди. У поёнига етмаган ишқий достонини куйлаб ўтади. Зебуннисо бегим камтарлик ила ўзи ҳақида қуйидаги мисрани ёзган:

Ҳар матоеро харидор аст дар бозори ҳусн,  
Пир шуд Зебуннисо уро харидоре нашуд.

Мазмуни: Ҳусн бозорида ҳар матога бор харидор, аммо Зебуннисо қариди-ю унга харидор топилмади.

«Олами Ислом»да ёзилишича, эрон шаҳзодаларидан бири Зебуннисо бегимнинг ҳусн-латофатда танҳолигини эшитиб, уни ғойибона севиб қолади. Унинг фиरोқида куйиб, ошиқона ғазаллар ёзиб, улардан бир мисрани Зебуннисо бегимга юборади.

8

Туро, эй гулбадан, бепарда дидан орзу дорам,  
Латофатҳойи ҳуснатро расидан орзу дорам.

Мазмуни: Эй гулбадан, сени пардасиз кўриш, ҳусну латофатларингга етишиш орзусидаман.

Бунга Зебуннисо бегим қуйидаги жавобни ёзади:

Булбул аз гул бигузарад гар дар чаман бинад маро,  
Бутпарастн кай кунад гар бараҳман бинад маро?  
Дар суҳан пинҳон шудам монанди бу дар барги гул,  
Майли дидан харки дорад, дар суҳан бинад маро.

Мазмуни: Агар булбул мени чаманда кўрса, гул баҳридан кечарди, агар бараҳман мени кўриб қолса, бутга сажда қилмасди. Гул ўз ҳидини япроқларига яширгандай, мен ҳам сўзда яширинганман, кимнинг хоҳиши мени кўрмоқ бўлса, мени сўзда кўрсин.

Бу байт Зебуннисо бегимнинг Эрон шаҳзодасига моҳирона берган жавоби эди.

«Ҳунар ва мардум» (Эрон) ойномасида ҳикоя қилинишича, Аврангзеб Оламгирнинг етти вазири бўлиб, шулардан бири Оқилхон Розий эди. У ёш, шўх, етук суҳандон, шоир табиатли йигит бўлган. Тақдир тақо-

зеси билан Зебуннисо бегим Оқилхон Розийни ёқтириб қолади. Ниҳоят, ҳар икки дилдор бир-бирлари билан махфий равишда учрашиб, аҳду паймон қиладилар. Аммо шоҳ Аврангзеб қизи Зебуннисо бегимни унча-мунча одамга раво кўрмас, шаҳзодалару, аслзодалардан куёв қилишни ният қиларди. Зебуннисо бегим билан Оқилхон Розий кўпинча бир-бирларига мушоира тарзида шеър ёзишиб, сўзлашардилар. Уларнинг бир-бирларига кўнгли қўйганлари ва махфий учрашувлари ҳасадчи ва ифвогарлар назаридан четда қолмади. Улар бу воқеани шоҳ Аврангзебга етказадилар. Шоҳ Аврангзеб аввалига қаттиқ ғазабланади ва Оқилхонга нисбатан жазо чорасини қўллашни ўйлайди. Бироқ, хабарчилар келтирган миш-миндан бошқа қўлда амалий далил-исбот йўқлиги туфайли, жазони бир оз кечиктиришга қарор қилади. Зеро, бу соҳада шоҳ Аврангзеб узоқни ўйлаб иш тутади. Чунки Оқилхонга бериладиган жазонинг бир учидан ўзининг суюкли қизи Зебуннисо турарди. Шунинг учун жазо беришда шўшилмасдан, аввал уларнинг хатти-ҳаракатларини текшириб кўришга жазм қилади ҳамда вазирларига қўйндагича кўрсатма беради: ҳар бир вазир бир кеча-кундуз, яъни 24 соат давомида саройда бўлиши керак. Ҳафтанинг етти кунини етти вазирга тақсимлайди. Ушбу тақсимотда Оқилхонга ҳам бир кечаю кундуз саройда салтанат ишлари билан шуғулланишга фармон беради. Ўз-ўзидан маълумки, Оқилхон навбатчилик қиладиган тунда Зебуннисо бегим билан Оқилхоннинг дийдор кўришмакларига имкон туғиларди. Аммо, шоҳ Аврангзеб ўзининг воқеанависларини (жосус) йиғиб, шу бир ҳафта давомида кечаси-ю кундузи Оқилхон Розийнинг хатти-ҳаракатидан воқиф бўлишни ҳамда ким билан нима ҳақда сўзлашганини назардан қочирмасликни тайинлайди.

Оқилхон Розий фаҳм-фаросатли, ҳар ишнинг оқибатини ўйлайдиган ақлли йиғит эди. У навбатчилик шоҳга нима учун зарур бўлиб қолгани сабабини фаросат юзасидан ўйлаб топади. Ишнинг оқибати яхши бўлмаслигига кўзи етган Оқилхон ўзини касалликка солиб, ўша кун ва тун ўз манзилдан ташқарига чиқмайди. Зебуннисо бегим эса Оқилхон Розийнинг навбатчилик кечасини зўр иштиёқ ва сабрсизлик билан кутади. Зеро, ўша кеча маҳбубининг висолини кўришга мушарраф бўлишдан умидвор эди...

Ҳа, китобхон дўстим, Зебуннисо бегимнинг ҳаёт йули афсонавий воқеаларга бой. Унинг насли ота тарафи-

дан ҳам, она тарафидан ҳам Бобур подшоҳга бориб туташади. Демак, шоҳ қизи, боз устига ақл ва идрокда тенгсиз, юксак шеърӣ истеъдод соҳибаси, назм мулкнинг маликаси, маликалар ичра гўзали... Зебуннисо бегим ҳусну латофат ва малоҳатда беназир, фазилатда беқиёс бўлсада, ўзининг 63 йиллик умри давомида ўзига муносиб, ҳамдард ёр топа олмади. У 1702 йилда 63 ёшида Деҳлида вафот этди. Уни Деҳлидаги «Зарзарий» қабристонига дафн қилишган.

«Олами Ислом»да ёзилишича, Зебуннисо бегимнинг вафотига бағишлаб, абжад ҳисобида қуйидаги ғазал билан таърих ёзганлар.

Оҳ, Зебуннисо ба ҳукми қазо.  
ногаҳон аз нигоҳ махфӣ шуд.  
Манбаи илму фазл ва ҳусну жамол,  
Ҳамчу Юсуф бачоҳ Махфӣ шуд.  
Соли таърих аз ҳирад жустам,  
гуфт ҳотиф ки моҳ Махфӣ шуд.

Мазмуни: Оҳ, Зебуннисо, қазо ҳукми билан ногаҳон кўздан яширинди. Илму фазл ва ҳусну латофат манбаи Юсуф каби чоҳга яширинди. Таърих (вафот) йилини ақлдан қидирдим, ой яширинди деб ғойибдан своз келди.

Ғазалда «Зебуннисо бу ҳукми қазо» таърихи бўлиб, араб алифбосида ҳарфларнинг рақами 1132 ни ташкил қилади. Унда «зеб» ҳарфлари — 19 дир, демак 1132 дан 19 ни олиб ташланса, 1113 қолади. Бу сон ҳижрий йилда Зебуннисо бегимнинг вафот қилган йилидир. Ҳижрий 1113 йилни милодийга ўгирилса — 1702 йил келиб чиқади.

Қуйида Зебуннисо ғазалларидан иккитасини М. Муинзода таржимасида ҳавола этамиз:

Зулфи ҳалқа-ҳалқа-у кўзи қаро бу  
ердадур,  
Боқиши шафқатли-ю, нозик адо бу  
ердадур,  
Киприги ханжар, карашма тигу кўз ташлаш  
яшин,  
Гар шаҳид бўлмоқчи эрсанг, Қарбало бу ердадур  
Берса ҳам жаннатни алданма, кишилар  
сўзига,  
Бир қалам майхонадан жилмаки жой  
бу ердадур.

Каъбага бормоқ на ҳожатдур, агар дил  
овласанг,  
Беҳуда йуллар кезар бу халқу, жой  
бу ердадур.  
Ҳуснига бошдин-оёқ боққанда ҳар бир  
нуқтадин,  
Дилни тортиб ҳар карашма, дерки:  
жой бу ердадур.  
Изладим бир-бир жаҳонда ҳар неча  
бўлса китоб,  
Кўрдиму хаттингни дедим: муддао  
бу ердадур.  
Истасанг ҳуснинг закотини берарга мустаҳиқ,  
Келки, бу Зебунисо янглиғ гадо  
бу ердадур.

\* \* \*

Лайли зотидан эсамда, дилда Мажнунча  
ҳаво,  
Тоғу тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай  
ҳаё,  
Мендан ўрганди-ю бўлди гулга булбул  
ҳамнишин,  
Менгадур парвона ҳам шогирду  
ишқимдур расо.  
Зоҳиримдур фозаранг, аммо ниҳоним  
қон эрур,  
Уз ичида сақлагандек қип-қизил  
рангни хино.  
Баски қўйдим мен фалакнинг  
елкасига ғам юкин,  
Қийди мотам тўини-ю, бўлди  
қадди ҳам дуто.  
Шоҳ қизи бўлсам-да, қилдим фақр  
йўлин ихтиёр,  
Бас менга бу зебу зийнат ким,  
отим Зебунисо.



Илмий-оммабоп нашр

ФАЙЗИЕВ ТУРГУН АБДУЛҲАҚ ўғли

ТЕМУРИЙ МАЛИКАЛАР

Ўзбек тилида

Мусаввир Темур Саъдулла  
Тех. муҳаррир Мирзиёд Олим  
Мусаҳҳиҳ Зиёда Латифхон қизи

ИБ № 101

Теришга берилди. 7.01. 94. Босишга рухсат этилди. 7.04. 94. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Юқори босма усулида босилди. Шартли босма табоғи. 2,1. Нашр табоғи 2,5. 50000 нусха. Буюртма 4382. Баҳоси шартнома асосида.

А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй. Шартнома № 7153.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босма-хонасида босилди. 700002. Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.